

## Da'vat

Fanlar va san'atlar odamlarni olg'a boshlaydigan va ularga cheksiz yuksalish imkonini beradigan omillardir.

Lev TOLSTOY



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 21-avgust, shanba

№ 68 (7677)

## АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: БУ МУҲИМ ТАДБИР ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ

### МАЪРУЗАЛАР ТИНГЛАНМАДИ

улар иштирокчиларга анжуман аввалида рисола ҳолида тақдим этилди

Хабарингиз бор, Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларига тайёргарликни ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғи эълон қилинган, барча халқ таълими бўлимларида ишчи гуруҳлари тузилиб, анжуманларни ноанъанавий, яъни интерфаол усулларда ташкил қилиш йўллари белгиланди. Жумладан, Юнусобод тумани халқ таълими муассасалари ходимларининг август кенгашлари шўъба йиғилишлари ҳам республика Таълим маркази тавсиялари асосида ўтказилди. Семинар-тренинг машғулотида долзарб масалалар "бир ёқадан бош чиқариб" ҳал қилинди. Кенгаш қатнашчилари фаоллик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

### УМИДЛАР ЯШИЛ, ИШОНЧЛАР ЯШИЛ...

Юнусобод тумани халқ таълими ходимлари август кенгашининг ялпи йиғилиши "Зарафшон"нинг катта залида бўлиб ўтди. Унда анжуман иштирокчилари билан бир қаторда туман ҳокимлиги, республика Таълим маркази, Тошкент ШХТББ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман

бўлими кенгашидан меҳмонлар ҳам қатнашишди. Кенгаш икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмини истиқлол билан тенгдош фарзандларимиз гўзал шеърлари билан бошлаб бердилар.

**Баландлай бошладик — умидлар яшил, Чин хурлик истаги яна бир имкон.**

**Сен "болам" деб турсанг юкимиз енгил, Эй, она диёрим, хур Ўзбекистон!**

(Давоми 2-бетда)



## ПОРЛОҚ КЕЛАЖАККА НАЗАР

Хоҳ ўтмишда бўлсин, хоҳ бугун тинчлик учун, мустақиллик учун каттаю кичик тик турган. Бу туйғу инсонга қон билан киррадио, бора-бора ҳаёт сабоқларида, таълим масканларида шаклланиб боради. Айни давлатимиз Мустақилликка эришган кун нафаси урилиб турган паллада мактабгача таълим муассасаларидаги болажонлар тафаккурида ҳам хурлик ҳукмрон.

Пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги 194-МТМ тайёрлов гуруҳидаги болалар ҳаракати, ёзувларидан ҳам буни билиб оласиз.

Тарбиячи Холида Нормирзаеванинг 13 йиллик тантаналар олдидан тарбияланувчиларга ўтаётган машғулотларининг барчасида ВАТАН улуғвор. Бу хатти-ҳаракатларга баҳоларни аллақачон ота-оналару, маҳалла-кўй бериб бўлишган.

Шу ўринда биз ҳам сўз айтишга шайландик: боғча боласининг қалбига юрт қадрига етишдек тушунчаларни сингдиришда тиним билмаяпсизми? Унинг натижалари тез кунларда кўз ўнгингизда порлоқ келажак бўлиб қайтиб келиши тайин.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**НАМАНГАН: ДАСТУРДА 623 ТА МАКТАБ**

2-бет

**ДАРСЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАЯПТИ?**

3-бет

**Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида**

**НИЗОМ**  
6-7-бетлар

**МАВЗУЛАР ҚАНДАЙ РЕЖАЛАШТИРИЛАДИ?**

10-бет

**ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЭВЕРЕСТГА ТАЪСИРИ**

15-бет

**«ШАРҚ ЗИЁКОРИ» ДАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИНГ!**

16-бет

**АРОН ЦИКЛО-КРАССВОРДИ**

16-бет

### SO'NGGI UCH KUN MUJ DALARI

#### SAYLOVGA BAG'ISHLANDI

Oliy Majlisda ikki palatali parlamentni saylash arafasida O'zbekiston elektorati (sotsiologik tahlil)ga bag'ishlangan yig'ilish bo'ldi.

Tadbir O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi, Oliy Majlisning Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari qo'mitasi hamda «Ijtimoiy fikr» jamoatchilik fikrini o'rganish markazi tomonidan tashkil etildi.

Shuningdek, Oliy Majlisning Ijtimoiy masalalar va bandlik qo'mitasining yig'ilishi bo'ldi.

Yig'ilishda «Psixiatriya yordami to'g'risida»gi qonunning Toshkent shahrida ijro etilishi masalasi ko'rib chiqildi.

Jizzax viloyatida faoliyat yuritayotgan "Karbonat" ochiq turdagi aksiyadorlik jamiyati tomonidan Egizbuloq qishlog'idagi 15-maktabga 2 million 600 ming so'mlik kompyuter hadya qilindi.

**Ibrat**

### НИХОЯТ, ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !!!

XI asr bo'shida bуюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди.

Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

#### ГЛОБУС ТАЪЛИГИДАН:

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф.
2. Дунё аҳолиси.
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология.
4. Иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.



Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнги бекати  
Тел.: 161-34-68, 330-34-68, 64-08-15, 155-24-63

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### TANLOV YAKUNLANDI

O'zbekiston Respublikasi «Tasviriy oyina» ijodiy uyushmasi va O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi Vatanimiz mustaqilligining 13 yilligiga bag'ishlab e'lon qilgan «ENG ULUG', ENG AZIZ» tanlovi yakunlandi. Unda respublikamizning turli ommaviy axborot vositalarida mehnat qilayotgan bir guruh hamkasblarimiz g'olib bo'lishdi.

### HAMMASI O'QUVCHILAR UCHUN

«Sirdaryomatlubot-savdo» aksionerlik kompaniyasi 1-avgustdan boshlab viloyatning barcha tuman markazlari va yirik shaharlarida o'n to'rtta maktab yarmarkasini tashkil etdi. Yarmarkada o'quvchilar uchun kerakli barcha o'quv anjomlari sotilmoqda.

O'tgan davr mobaynida «Sirdaryomatlubotsavdo» AK savdo tashkilotlari qariyb 20 million so'mlik turli tovarlarni sotdi.

### UCHRASHUV

O'zbekiston Badiiy akademiyasida Do Min Kuy rahbarligidagi «Vietnam-O'zbekiston» do'stlik jamiyati a'zolari bilan uchrashuv bo'lib o'tdi.

Istiqlol yillarida mamlakatimizda Prezident Islom Karimov rahnamoligida o'zbek milliy madaniyati va san'ati tobora rivojlanayotgani, ayniqsa yosh iste'dod sohiblarini har tomonlama rag'batlantirish va ularning ijodiy uchun sharoit yaratishga alohida e'tibor qaratilayotgani ta'kidlandi. Ayni paytda o'zbek tasviriy san'at ustalari ko'plab xalqaro tanlovlarda sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritmoqda.

Mamlakatimiz musavvirlarining Vatanimiz mustaqilligining 13 yillik bayramiga atab tayyorlagan «Navqiron O'zbekiston» ko'rgazmasi mehmonlarda katta qiziqish uyg'otdi.

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони наманганлик таълим ходимларига ҳам чексиз қувонч ҳада этди.

— Ушбу фармонни мен фарзандларимизнинг пухта билим олиб, буюк келажакимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари йўлидаги дадил қадам деб баҳолайман. Энди халқ таълими тизими аввалгидан ўн чандон юксалиши, ёшларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқлари янада ортиши, шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига шубҳам йўқ, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилшоода Дадажонов.

Ҳозир вилоятда 673 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг 623 таси Давлат дастурига киритилган. 5 та мактабни, яъни Косонсой туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалиғи ҳудудидаги 300 ўринли 50-мактаб, Тўрақўрғон туманининг Шаханд қишлоғидаги 300 ўринли 34-мактабларни жорий йилда, Норин туманининг Учтепа қишлоғидаги 340 ўринли 42-мактабни 2005 йилда, Наманган шаҳрининг Ҳасанобод даҳасида 320 ўринли бутунлай янги мактаб ҳамда Янгиқўрғон туманининг Кандиён қишлоғидаги 340 ўринли 46-мактабни 2006 йилда бунёд этиш мўлжалланган. Қолган мактабларнинг 174 тасини капитал реконструкция қилиш, 349 тасини капитал таъмирлаш ва 95 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек, фармонда мактабларнинг дарсликлар, ўқув-лабораториялари жиҳозлари, замонавий компьютер техникаси, спорт анжомлари билан таъ-

## НАМАНГАН: ДАСТУРДА 623 ТА МАКТАБ

уларнинг 5 таси янги қурилади, 174 тасини капитал реконструкция қилиш, 349 тасини капитал, 95 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган

минланиши ҳамда янги спорт залларини қуриш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Рақамларга назар ташласак, вилоят бўйича дарсликларга бўлган умумий эҳтиёж 5.197.998 донани ташкил этгани ҳолда бугун мактабларда 90 фоиз дарслик мавжуд. Бунинг 825.323 таси кам таъминланган оилалар фарзандларига, 1.087.344 таси эса ижара усулида берилган.

Мактабларнинг 478 таси физика, 491 таси кимё, 408 таси биология фанларидан ўқув-лаборатория хоналарига, 461 таси дурадгорлик, 477 таси темирчилик ва 381 таси тикувчилик ишлаб чиқариш устахоналарига эга. Демак, мавжуд фан хоналарини ҳам зарур жиҳозлар билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, мактабларда асосий ўқув анжомларидан бири бўлган парталарнинг умумий сони 193.960 тадан иборат ва унинг 19.532 таси яроқсиз ҳолатда. Бу дегани ушбу зарур жиҳоздан меъёрга нисбатан яна 26.480 та етишмайди. 60 фоиз мактаблар эса замонавий компьютер техникалари билан таъминланган.

Мамлакатимизда болалар спортига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган айни пайтда вилоят мактабла-

рининг 399 таси (59,2 фоизи)да спорт заллари мавжуд. Қолган 271 тасида ҳам шундай иншоотларни қуриш, 39 тасида эса таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

Фармон қабул қилингандан буён ўтган тўрт ойга яқин вақт давомида бажарилган ишларга эътибор берсак, аввало, вилоят ҳокимининг 82-Ф-сонли фармойиши қабул қилиниб, вилоятдаги барча қорхона ва ташкилотлар мавжуд таълим муассасаларига ҳомий сифатида бириктирилганлигини таъкидлаш лозим. Яъни мактаблардаги мавжуд аҳволни яхшилаш, уларни сифатли таъмирлашга кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Натижада биргина Тўрақўрғон туман ҳокимининг ташаббуси билан Шаханд қишлоғидаги 300 ўринли 34-мактаб 64 млн. сўмдан ортиқ маблағ эвазига ҳашар усулида, Косонсой туманидаги 300 ўринли 50-мактаб 90 млн. сўм маблағ сарфланиб бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди.

Режага мувофиқ, бу йил 16 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилиши лозим. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкининг UZB-1901 лойиҳаси бўйича 619 млн. сўм маблағ ажратилган. Бугунгача бу мактабларда 470 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳомий ташкилот-

лар томонидан эса ўзларига бириктирилган мактаблар таъмири учун 817 млн. сўм маблағ ажратилди. Вилоят халқ таълими бошқармасидан маълум қилишларича, Тўрақўрғон туманидаги «Оҳангар ТТТ» маъсулияти чекланган жамияти, «Деҳқонмаштаъминот» акциядорлик жамияти, «Намуна» ширкат хўжаликлари, Чортоқ туманидаги 10-автокорхона, «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятлари ўзларига юклатилган хайрли вазифани бажаришда барчага намуна бўлмоқдалар. Аммо, афсуски, ҳомийлар орасида бу ишларга панжа орасидан қараб, ўзларига бириктирилган таълим муассасаларига ҳомийлик ёрдами ни кўрсатмаётган, аниқроғи кўрсатишни истамаётганлар ҳам учрамоқда. Бундай ташкилотлар орасидан Наманган шаҳридаги 11-механизациялашган кўчма жамланма, Тўрақўрғон туманидаги «Агрокимётаъминот», Поп туманидаги «Гурамсарой деҳқон бозори» маъсулияти чекланган жамияти, хўжаликларига илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси бўлган аллома бобокалонларимиз номлари берилган Чуст туманидаги Алишер Навоий номидаги, Чортоқ туманидаги Улуғбек, Бобур номидаги ширкат хўжаликлари ўрин олган.

Айни пайтда вилоят мактаблари 298 млн. 328 минг сўмлик ўқув жиҳозлари, 156 млн. сўмлик компьютер техникалари билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, вилоят таълим ходимлари фармонда белгиланган вазифаларни бекаму-кўст, сифатли адо этиш йўлида ўз куч-ғайратларини аямаяптилар. Ёш авлодга кўрсатилаётган ҳар қандай эътибор эртага ўз самарасини беради, албатта.

Хуршид СУЛТОНОВ,  
журналист

## ТАМАКИ ТУТУНЛАРИДАН ХОЛИ БЎЛАЙЛИК!

Инкор этиб бўлмайдиган илмий маълумотларга кўра, тамаки чекиш ва ундан чиқадиган тутун оқибатида юрак-қон томир, саратон ва бошқа турли касалликлар, шунингдек, ўлим ва ногиронлик келиб чиқади. Бугунги кунда ер юзиде тахминан 1,1 миллиард нафар аҳоли кашанда кишилар ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобига кўра, тамаки чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли жаҳонда ҳар йили 4 млн. киши нобуд бўлар экан. Аҳвол шу тарзда давом этса, ушбу рақам 2030 йилга бориб, йилига 10 млн. нафарга етиши ҳам мумкин.

Афсуски, Ўзбекистонда ҳам тамаки вабоси шитоб билан ўсмоқда. Сўнгги вақтда ёшлар, хотин-қизлар ва ўсмирлар орасида бу иллатнинг кенг тарқалиб бораётганлигига бефарқ қараб бўлмайди. Кашандаликнинг олдини олиш учун, аввало, кишилардаги тамаки чекишга бўлган муносабатни ўзгартириш, тамаки ташвиқотига қарши кескин курашиш, жамоатчиликни унинг зарарларидан хабардор этиш катта самара беради. Бу борада маъмурий идоралар ва фуқаролик жамияти интилишларини ўзида акс эттирган миллий стратегияни ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди. Унинг мақсади тамаки чекмайдиганлар авлодни тарбиялашдан иборат.

Шу муносабат билан куни кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Муносиб ҳаёт учун» уйғунлаштириш ва соғломлаштириш муаммолари бўйича Тошкент маркази ташаббуси билан «Тамаки тутунларидан холи Ўзбекистон учун» тамакига қарши коалициясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Коалиция давлат, тиббиёт муассасалари ва уюшмалари, илмий институтлар, ўқув юртлари ва тарбия муассасалари, хотин-қизлар, ёшлар, экология, спорт, ижодий ва диний жамоатчилик ташкилотлари, ОАВнинг кашандалик ва Ўзбекистонда тамаки устидан назорат борасидаги кучларини бирлаштиради.

Анжуманда «Коалиция тўғрисида»ги Низом ва Декларация қабул қилинди. Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон жамоатчилигига мурожаат матни ўқиб эшиттирилди, матн бир овоздан қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳукумат томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Меҳр ва мурувват йили» дастури ҳамда «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ана шундай ғамхўрликнинг намунасидир. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишларни амалга ошириб келмоқда.

2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида чет эл шифохона-

## ЕВРОПАДА ДАВОЛАНИШАДИ

ларида Ўзбекистондаги ногирон болаларни даволашни амалга ошириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган, уч томонлама ҳамкорлик шартномасига имзо чекилган эди. Дастур «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан биргаликда 25 дан ортиқ давлатлардаги ўша ҳудудда даволаб бўлмайдиган ва тиббий хизматга муҳтож 12 ёшгача бўлган ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланиш имконини беради. Бугунги кунгача 28 нафар ўзбекистонлик болаларнинг Германияда даволаниб қайтгани ҳам ушбу дастурнинг натижасидир.

Куни кеча Тошкент халқаро аэропортида 10 нафар бемор болаларни Германия Федератив Республикасига даволаниш учун жўнатиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистондан борган болалар операциядан олдинги кўриқдан ўтказилади, кейин эса шифокорлар ҳулосасига кўра, Европанинг турли шифохоналарига жўнатилади.

Ўтиш жойида қимтинибгина турган қизалоқни гапга солдим. Ўзини Зулфия Муроддинова деб таништирган бу қизча катта бўлганда шифокор бўлишни орзу қиларкан. Нима учун деган саволимга «доктор бўлсам, касал болаларни тузатаман» деб жавоб берди. Узоқ сафарга отланган бу қоракўзлар дардидан фориг бўлиб, соғ-саломат юртимизга қайтсин.

Назokat ХОЛМЕТОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# ДАРСЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАЯПТИ?

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида яхши яшашга интилиши бор гап. Яхши яшашнинг энг биринчи шарт эса болалиқдан китобга меҳр қўйиш эканини ҳамма ҳам англайвермаслигига барчамиз гувоҳимиз. Янги ҳаётга дастлабки йўлланма берадиган китоб эса — дарслик. Ўқувчининг улғайгани сари кўпроқ ва мукамалроқ дарсликларга ошно тутиниши унинг келажакда яхши яшашини кафолатлайверади, десак янглишмасмиз балки.

Янги ўқув йили арафасидамыз. Шу боис инсон онги маънавий шаклланишининг дастлабки омили — дарсликлар хусусида сўз бошладик. Лекин нурли келажак сари интилаётган ўқувчи етарли билим олиши учун барча қулайликларга эгами? Уларнинг бу борада интилишида муҳим омил дарс-

ликлар муаммосининг ҳал этилиши қай даражада? Албатта, халқ таълими тизимини янада юқори савияга кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар айтишга арзигулик.

Қуйида бундай эътиборга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган ташкилотлар мутасаддилари — "Ўқитувчи" нашриёти Бош муҳаррири Абдулла Ҳасанов ва "Ўзkitobsavdo" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Турсунов билан дарсликларнинг нашриётда тайёрланишдан бошлаб, ўқувчи қўлига етиб боришигача бўлган жараён ҳамда бу борадаги бошқа масалалар хусусида қилган мулоқотимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

## СИФАТ — БОШ МЕЗОН

— Дарсликлар муаллифлари ва нашриёт ўртасида шартнома тузилгач, муаллиф дарслик кўлёмасини ўз вақтида нашриётга топшира олмади, дейлик. Бу ҳолатда масала қай тарзда ўз ечимини топади. Бунинг устига янги ўқув йили яқин бўлса...

— Муаллифнинг дарслиги тендер шартларига тўлиқ жавоб бериб, қолиб бўлгач, Халқ таълими вазирлиги ва республика таълим маркази тавсияси асосида муаллиф ҳамда нашриёт ўртасида

қардош халқлар (қозок, қирғиз, туркман, тожик) тилларида таълим оладиган ўқувчилар учун ўзбек тилида нашр этилган дарсликлар таржима қилиниб, чоп этилади. Қорақалпоқ тилида нашр этилган дарсликлар борлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, бу йил "Ўқитувчи" нашриёти зиммасида 102 номдаги дарслик мавжуд. Яъни, бу рақам, масалан, битта дарсликнинг бир неча тилда нашр этилиши ҳисобига ортади. Бу дарсликларнинг умумий нусхаси тўрт миллионга

лари тасдиқлаган талаблар бўйича иш юритиш нашриётнинг асосий вазифаси саналади. Шунга қўра, дарсликлар муқоваси китобнинг ҳажмига, ўқувчилар ёшига, синфига қараб белгиланади. Босмаҳона технологиясига ҳам эътибор берилади. Масалан, дарслик ҳамми камроқ бўлса, унга қалин муқова қилиб бўлмайди. Яъни муқова муқовага тегиб қолиб, беўхшовлик юзага келиши мумкин. Технология

талабларига мувофиқ 9-10 босма табоқдан қалин китобларга қалин муқова қилинади. Ундан кам босма табоқли китобларга юмшоқ муқова қўйилади. Лекин ушбу муқовага ҳам клёнка қопланган бўлиб, у китобни намликдан асрайди, йиртилишдан ҳимоя қилади, пишиклигини, чидамлилигини оширади. Халқаро танловларда қатнашиб гувоҳ бўлдики, бу ҳолат жаҳон тажрибасида ҳам кенг қўлланилар экан.

"Ўқитувчи" нашриётида дарсликлар фақат энг яхши оқ қозғоларда босилади. Чунки бошқа нашриётлар билан ўзига яраша рақобат мавжуд.

— Тендер шартларининг нашриёт учун мушкуллик туғдирадиган жиҳатлари ҳам борми? Улар қай тарзда уйғунлаштирилади?

— Бу вақт масаласи билан боғлиқ. Тендер ташкилотчилари вақтни кам беришга ҳаракат қилишади. Яъни шартнома шартларининг тезда бажарилишини исташади. Бу тўғри. Лекин бу жараён ярим ижодий, ярим ишлаб чиқариш билан боғлиқ масала. Вақт етарли даражада берилса, нашриётнинг чоп этиладиган дарслик сифатини янада оширишга имконияти кенгайди. Келгуси йилги тендер шартномаларида бу жиҳат яна уйлаб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

шартнома тузилади. Бу орада яна бир босқич бор. Яъни Халқ таълими вазирлиги ва нашриёт ўртасида тузилган шартномага биноан ҳар йилнинг 1 апрелига қадар муаллифнинг дарслик кўлёмасини нашриётга берилиши лозим. Агар муаллиф дарслик кўлёмасини бирор сабаб билан ўз вақтида нашриётга топшира олмаса ёки ўзгартириш, тўлдиришлар киритиш мақсадида қанчадир муддатга бўлса-да, қайтариб олмақчи бўлса, биз бу ҳақда Халқ таълими вазирлигига маълум қиламиз. Сўнгра улар тегишли чора-тадбирларни ўзлари белгилашади.

— Сиз меҳнат қилаётган нашриёт айнан қайси дарсликларни чоп этади? Айрим ота-оналар дарслик муқоваси, сифатини янада яхшилаш лозимлигини айтишмоқда.

— Хабарингиз бўлса керак, ҳозирги пайтда аксарият нашриётлар дарсликлар чоп этишмоқда. "Ўқитувчи" нашриёти ҳам 2-синфдан 11-синфлар учун турли дарсликларни чоп этапти. Бизда асосан миллий мактаблар учун лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида, шунингдек, русийзабон мактаблар ўқувчиларига мўлжалланган, кўпроқ аниқ фанлар дарсликлари нашр этилади. Қолаверса, мамлакатимизда

яқин рақамни ташкил этади. Бундан ташқари, нашриёт академик лицей, касб-хунар коллежлари учун ҳам дарсликлар чоп этиб келмоқда. Ўтган йили бу рақам қирқдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йил ҳам тахминан шунчадан иборат бўлади. Ўнга яқин номда олий таълим муассасалари учун ҳам дарсликлар чоп этилди. Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар ҳам нашрдан чиқди.

Дарслик муқоваси масаласига келсак, нашриётлар дарсликлар, китоблар чоп этиш бўйича давлат стандартларига таяниб иш юритади. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлик-

## ИЗЛАНИШ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

— Аввало, "Ўзkitobsavdo" давлат акциядорлик компанияси (ДАК)нинг асосий вазифалари тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур ташкилот Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги 279-сонли қарори билан мамлакат аҳолисининг бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётларга, мактаблар,

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлари ҳамда ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган.

Республика китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китоблар ҳамда бошқа босма маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш, китоб маҳсулотлари, қолаверса, дарсликлар ва ўқув адабиётларига буюртмаларни шакллантириш "Ўзkitobsavdo" ДАКнинг асосий вазифалари саналади. Шунингдек, мамлакат ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда китоблар ва бошқа босма маҳсулотларнинг жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, уларни сотишни ташкил этиш ҳам ушбу ташкилот зиммасида эканини таъкидлаб ўтиш жоиз, деб уйлайман.

— Китоблар, хусусан, дарсликларни (ижара тизимида тарқатилаётган дарсликлар ҳам) жойларга етказишда ноҳаёси ҳаракатлар ҳам учраётими? Яъни, бунда дарсликнинг нашриётдан ўқувчи қўлига етиб бургунгача бўлган ҳолат назарда тутиляпти.

— Халқ таълими вазирлиги — буюртмачи, "Ўзkitobsavdo" ДАК — бажарувчи, вилоятлар халқ таълими бошқармалари — оловчи бўлган бу жараёнда ноқонуний ҳаракат кузатилмаяпти. Чунки, аввало, дарслик чоп этилгандан сўнг унга эҳтиёжи бор киши қўлига етиб бургунча қатъий назорат қилинади. Яъни, "Ўзkitobsavdo" ДАК — вилоятлар халқ таълими бошқармалари — туманлар халқ таълими бўлим-

ташкиллаштирилади. Улар ХТВ, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда бозорларда, аҳоли гавжум жойларда ташкил этилади.

— Бахтиёр ака, сиздан "Ўзkitobsavdo" ДАКка қарашли китоб дўконлари фаолияти ҳақида ҳам сўрамоқчиман...

— Режага асосан мамлакат миқёсида 338 та китоб дўкони фаолият олиб бориши керак бўлса-да, айни пай-

**Нашр этиладиган дарсликларни янги ўқув йили бошланишига қадар жойларга етказиш мақсадида, нашриётлар билан ҳамкорликда нашр этиш жадвали ишлаб чиқилди ва белгиланган муддатда чоп этилиши назорат қилинмоқда.**

**17 август ҳолатига 2004-2005 ўқув йили учун нашриётлар томонидан жами 14 822 167 нусха дарслик чоп этилди. Шундан 347 номда 11 162 602 нусхада дарслик ва ўқув — методик адабиётлар мактаб кутубхона захираси учун харид этилди ҳамда 9 662 757 нусхадаги дарслик ва ўқув-методик адабиётлар "Ўқувтаълимтаъминот" Бош бошқармаси ҳамда "Ўзkitobsavdo" ДАК томонидан нашриётлардан олиб чиқилди ва таълим муассасаларига етказилди.**

**Халқ таълими вазирлиги маълумоти**

лари — умумий ўрта таълим мактабларидан иборат тизимда дарсликларга оид ҳар бир ҳужжат текширилиб, назоратдан ўтказилади. Айни пайтда Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларига дарсликларни етказиб бериш "Ўзkitobsavdo" ДАК зиммасида ва бу жараён шартномага биноан белгиланган меъёрлар асосида олиб боришмоқда.

Дарсликларнинг тақсимот бўйича жойларга етказилишида туманлар ХТВлари методистларининг ҳам кўмаги борлигини айтиш ўринлидир.

— Дарсликлар билан савдо қилувчи шахслар белгиланган нархга устама қўя оладими?

— Йўқ. Чунки дарсликлар нашриётлардан маълум фойдадаги чегирма билан олинади ва жойларга етказилади. Қолаверса, ҳар бир дарслик муқовасида унинг нархи кўрсатилган. Шу боис унга устама нарх қўйиб сотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, ҳар бир ота-она фарзанди учун дарслик сотиб олишда Халқ таълими вазирлигининг янги ўқув йили олдида "Ma'rifat" газетасининг шу йил 14 август сониде эълон қилинадиган дарсликлар рўйхатини ўқиб чиқишса, фойдадан холи бўлмасди.

— Айни пайтда мавсумий ташкил қилинадиган мактаб бозорларининг фаолияти авж палласига кирди...

— Мактаб бозорлари ҳар янги ўқув йили арафасида

да республика бўйича жорий йил май ойи ҳолатига қўра 148 та шундай дўкон ишлаб турибди. Айни шу масалада яқинда вилоятлар "Ўзkitobsavdo" ташкилотлари раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди. Уларга тегишли кўрсатмалар берилди.

— Бу борада муаммолар кўзга ташланмаяптими?

— Афсуски кузатиляпти. Масалан, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги ҳудуд бўйича "Ўзkitobsavdo" ДАКка тегишли ягона 18-дўкон фаолият юртарди. Аммо баъзи "олғир"лар "Ўзkitobsavdo" ДАК раҳбариятидан сўрамасдан туриб, кимларнингдир кўмаги билан дўконни ресторани қилиб юборишибди. Биз бу ҳақда тегишли ташкилотга мурожаат қилганимизга қарамай ресторан ўз "фаолияти"ни давом эттириб келмоқда. Шунингдек, пойтахтдаги 46-китоб дўкони ҳам ишламай турибди. Ушбу дўкон «Ўзkitobsavdo» ДАК балансида ўтказилишида Тошкент шаҳар Миробод туман коммунал таъмирлаш ва авария-қайта тиклаш хизмати (КРАВС) ташкилоти томонидан бизга маълум бўлмаган сабаблар туфайли фаолият юритмаяпти.

Яна бир гап. Сўнги беш йил мобайнида шаҳардаги 20 та китоб дўкони дарсликлар билан савдо қилмай келаётганди. Ниҳоят, бу йил улар ҳам дарслик билан савдо қиладиган бўлди.

**"Ma'rifat" муҳбири Шерали НИШОНОВ сўхбатлашди.**

**2004 йилда ижара тизимидаги дарсликлар билан таъминланиш доираси янада кенгайди, яъни таълим ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2-3-синфлари ҳамда таълим тожик, қозок, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2,3,4-синф ўқувчилари она тили, ўқиш, математика, рус тили, "Атрофимиздаги олам" (табиатшунослик) дарсликлари билан ижара усулида таъминланадилар. Ушбу дарсликлар нашрдан чиқарилиб, мактабларга етказиб берилди.**

**Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси пастигининг асосий сабабларидан бири, дарсликларни таржима қилиб, чоп этиш муаммосидир. Халқ таълими вазирлиги дарсликларнинг ўзбек тилидаги вариантини яратади, уларни таржима қилиб чоп этиш эса нашриётлар зиммасига юклатилган. Республикаимизда тожик, қозок, қирғиз, туркман тилларида дарслик ёзувчи ва таржима қилувчи мутахассислар етишмайди.**

**Халқ таълими вазирлиги маълумоти**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжумани "Истиқлол фарзандлари" бошлаб беришида ўзига хос рамзийликни ҳис этасиз. Яшил ранг — ҳаёт, тириклик, гуллаб-яшнаш, яшариш рамзи. Юрт истиқболи, келажаги эса умид ва ишончлари яшил истиқлол фарзандлари қўлида. Шу боис ҳам истиқлолимизнинг дастлабки куниданоқ таълим соҳасига эътибор қаратилди. Зеро, бу улуг ишга ҳисса қўшмоқ чин коммунист бөлгисидир. Буни англай билган "Истиқлол фарзандлари" шеър орқали яна бир бор озодлик



ва ҳурликни, истиқлолни асрашга сўз бердилар.

Кенгаш иштирокчиларини туман ҳокимлиги, ХТВ вакиллари қутлади.

## ҲИСОБОТ ЭМАС, ФИКР- МУЛОҲАЗАЛАР ТИНГЛАНДИ

Юнусобод туманида арзигулик ютуқлар оз эмас. Жумладан, тумандаги 5, 17, 43, 51, 247, 257, 260, 302-мактаб ўқитувчилари Корея, Япония, АҚШ, Украина, АК-СЕЛС, "Тинчлик корпуси" маданият ва маориф марказлари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, амалий семинарларда бўлиб, малака ошириб келадиганлари, ҳамкорликда услубий қўлланмалар яратадиганлари, 43-мактаб жамоасининг "Йил мактаби" республика кўрик-танловида 1-ўринни эгаллагани, "Йил ўқитувчиси — 2003" республика босқичи ғолиби Гулнора Зайниддинованинг шу туман ўқитувчиси эканлиги кабилар бугунги кунда барчага маълум.

— Жойларда илм масканлари моддий-техника базасини бойитиш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, яъни "Маркетинг хизмати"ни йўлга қўйиш бўйича туманимизда анчагина ибратли ишлар қилинди, — дейди Юнусобод тумани ХТВ мудири Маъсуда Одилова. — Бугунги кунда 34 та мактаб, 61 та мактабгача таълим муассасасида ташкил қилинган маркетинг хизмати ҳисобидан 44395400 сўм тўпланган бўлиб, бу маблағ таълим-тарбия муассасаларини таъмирлаш, моддий-техника базасини бойитишга сарфланди. Мен бугун ҳисобот маърузасини ўқимадим, сабаби, бир кун аввал ташкил этилган мактаб ва МТМ раҳбарлари шўба йиғилишларида қатнашчиларнинг ҳар бирига ҳисобот маърузаси рисола ҳолида тақдим этилди. Бугун эса устозларнинг истиқлолнинг 13 йиллиги байрами арафасида мириқиб дам олишларини истадик. Зеро, август кенгашлари Мустақиллик байрами шодиеваларининг дебначаси бўлмоғига эришиш лозимлиги тавсияларда ҳам таъкидланган. Илк педагогика кенгашларида эса рисола ўқилиб, муҳокама қилинади. Ютуқлар ўзимизники, камчиликлар эса аниқланиб, бартараф этиш чоралари белгиланади.

Бу ҳам ўзига хос, айна вақтда ноанъанавий усул. Бизнингча, унинг афзаллиги шундаки, ХТВ мудирининг ҳисоботини фақат анжуман иштирокчилари тингламайди, балки тумандаги барча ўқитувчилар рисола ўқиб, ундан ўзларига тегишли хулосани чиқариб оладилар. Бу эса ўз-ўзига танқидий кўз би-

лан қараш, ўз-ўзини бошқаришга даъватнинг бир кўриниши, назаримизда.

Тумандаги 5-мактаб директори Тамара Бабаева ва 235-МТМ раҳбари Гўзал Усмоновалар шўба йиғилишлари, унда кўтарилган муам-

мо ҳамда унинг ечимлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Боғча тарбияланувчилари "Олтин хумо", "Тил фестивали", "Соғломжон — полвонжон" мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар, — дейди Г.Усмонова. — Ҳозирги кунда МТМларидаги спорт тўғараклари 96, ижодий тўғараклар 124, тил тўғараклари 54, интеллектуал тўғараклар 15 тага кўпайди. Таянч боғчаларнинг сони 14 та бўлди. Бугунги кунда боғчаларга болаларнинг қамраб олиниши 56,6 фоизни ташкил қилмоқда. Уйда тарбияланаётган болаларнинг мактабга тайёргарлик жараёни "Яқшанбалик мактаблари" томонидан амалга оширилмоқда.

Кенгашнинг 1-қисми якунлангач, "Юлдузлар жилоси" деб номланган 2-қисм ҳақида анжуман бошловчиси, халқ таълими аълочиси Дилфуза Фаниева шундай изоҳ келтирди:

— Қоронғу тунда, кўкда узоқ-узоқлардан нур таратиб турган юлдузлар жилоси инсон қалбига ўзгача туйғу олиб киради. Улар бизга узоқ ва айна пайтда яқиндек, жуда таниш ва айна пайтда сирлидек туюлади. Улар ҳаммиша мафтункор, жозибатор. Биз ҳам қалбларга нур олиб кирувчи, ўз жозибасини таълим-тарбияда намойиш этаётган устозларимизни шу юлдузларга қиёслагимиз келди. Бугунги кенгашимизда мана шу юлдузлар жилосидан баҳраманд бўлиш ва уларга миннатдорчилигимизни билдиришни ниёт қилдик.

## ЎНТА НОМИНАЦИЯ ҒОЛИБЛАРИ

Анжуманда таълим муассасаларининг ўқув моддий-техника базасини ривожлантириш, ДТС, ўқув дастури ва режаларини кўриб чиқиш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун шароит яратиш масалаларида ўз қобилият ва ғайратларини намойиш эта билган "Замонавий раҳбар" номинацияси ғолиблари Г.Каримова(9-мактаб), М.Аҳмадҷонова(70-мактаб), Э.Янборисова(43-мактаб),



Л.Алиева(17-мактаб), М.Салимова(97-мактаб), К.Шокирова(272-мактаб), Л.Ниёзова(501-МТМ), Х.Тошмухамедова(442-МТМ) ва бошқаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, "Тадбиркор раҳбар", "Ижодкор раҳбар", "Оила—мактаб—маҳалла ҳамкорлиги жонқурлари", "Таълим фидойилари", "Ташаббускор кутубхоначи", "Олимпия юлдузлари мураббийлари", "Фидойи жамоатчи", "Ёш изланувчан муаллим", "Юксак билим дарғалари" номига сазовор бўлган 80 нафарга яқин ўқитувчи ва раҳбарлар ҳам тақдирланишди.

Айниқса, саҳнага фан олимпиа-

даларининг шаҳар, республика босқичларида ғолиб бўлган ўқувчиларнинг устозлари тақдир этилганда, қўллар қарсақдан толди. Бу йилги олимпиадада ғолиблари сони 175 нафар бўлиб, шундан 25 нафари шаҳар босқичида, 2 нафари республика босқичида ғолиб бўлганлар. Алоҳида ҳурмат билан 17, 43, 51, 97, 260, 273, 274, 288-мактаб жамоалари тилга олинди. Чунки уларнинг ўқувчилари 7 тадан 16 тагача совринли ўрин соҳиби бўлдилар.

Олимпиада натижалари кўрсатаяптики, 51-мактаб ўқитувчилари Светлана Макарьянц, Мария Савченко, Светлана Караева, Зулфия Раҳимова ва 274-мактаб ўқитувчилари Аҳад Азаматов, Рихсиниса Шокирова, Барно Охуновалар ўқувчиларини йил давомида синовга тайёрлаб, 8 нафарини ғолиблик шохсупасига олиб чиққанлар.

— Информатика фанидан ўтказилган шаҳар олимпиадасида 2 ўқувчим 1-ўринни эгаллагани учун компьютер билан тақдирландим, — дейди А.Азаматов. — Албатта, рағбат бор жойда муваффақият ҳам бўлади. Бугунги тақдирланиш ҳам бизга янада маъсулият юкледи.

Албатта, 43, 17, 86-мактабдан ҳам 2 нафардан ғолиблар чиққанини таъкидлаш баробарида 21, 98, 327-мактабларнинг ўқувчилари ҳатто битта ҳам совринли ўрин ололмаганлари ачинарли эканини эслатиб ўтишни жоиз деб билдик.

## ТУНУ КҮН ЧАРОҒОН ЮЛДУЗЛАР

— Анжуманда таълим соҳасига янги инновациялар киритиш зарурлигини ва унинг афзалликларини яна бир қарра ҳис қилдим, — дейди 499-болалар боғчаси тарбиячиси Нигора Қодирова. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбахор Сулаймонова, Рашид Холқов, Фиёс Бойтоев, эстрада юлдузи Севара Назархон кўшиқлари эса барчага аъло кайфият бағишлади.

— Бугун биз ёш мутахассисларга меҳнат дафтарчасини фахрий муаллимлар берса керак деб ўйлагандик. Қутилмаганда ёш, аммо изланувчанлиги билан 3-4 йилда кўпчиликка танилиб улгурган муаллимлар бизга "Меҳнат дафтарчаси"ни топширдилар. Демак, танилиш учун кўп йил эмас, оз бўлса ҳам ёниб ишлаш лозимлигини ўқиб олдик, — дейди 265-мактаб ўқитувчилари Дилдора Пўлатова, Замира Қодирбекова, Мастура Ходиева.

— Шўба йиғилишларида мактаб раҳбарларига ҳисобот маърузаси билан бирга "Ўқитувчиларга ёрдам" (Илғор ўқитувчилар иш тажрибасидан), "Мактабга ёрдам" (Методик тавсиялар тўплами) каби рисоалар ҳам тарқатилди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, 273-мактаб директори Мавлуда Исмамова. — Улардаги дарс ишланмалари билан ўқитувчиларимиз танишиб чиқадилар, ундаги илғор усулларни дарс жараёнида қўллашга ҳаракат қиладилар.

Анжуман ниҳоясига етганда осмонда юлдузлар чарақлашига анча вақт бор эди. Аммо қувонарлиси шундаки, Юнусобод туманидаги машъаллар — юлдузлар туну кун чарақлаб, эзгулик нуруни сочаверади. Балки шу сабаб тангри таоло илм нуруни таратувчи инсонларни "ердаги фаришталарим" дея эъзозлар.

Ҳа, қалбларимиз фаришта мисол пок бўлмоғи лозим.

**Махмуда ВАЛИЕВА,  
"Ma'rifat" мухбири  
Шавкат АКРАМОВ олган  
суратлар.**

# АВГУСТ

## БУ МУҲИМ ТАДБИР

ЖИЗЗАХ

## МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ...

Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий юксалишида Жиззах туманининг алоҳида ўрни бор. Туманда барча соҳалар қатори халқ таълимини ривожлантиришга ҳам ғам-хўрлик ва эътибор катта. Ҳозир унда 56 та умумий таълим мактаби, 1 та иқтидорли болалар лицейи, 3 та мактабдан ташқари ва 24 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаяпти. Таълим муассасаларидаги 38508 нафар ўқувчига 2746 нафар малакали тарбиячи ва ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Ана шундай катта жамоага эга бўлган халқ таълими бўлими олдидан турган вазифалар кўлами ҳам анчагина салмоқли. Ўқитувчилар ва мураббийлар олдидан турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат ва уни амалга ошириш учун асосий диққат-эътиборни нималарга қаратмоқ керак?

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини иккинчи босқичи сифат ва самарадорлик босқичи ҳисобланади, — дейди Жиззах туман халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Шарипов. — Бунга эришиш учун ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсини интерфаол усулида ташкил этиши, ноанъанавий машғулотларга кўпроқ ўрин бериши керак. Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ўз устида ишлаши зарур. Бугунги мактаб ўқувчисини бир хил қолипдаги, панд-насихат тарзидаги маърузалар қониктирмайди. Бир соатлик дарс — бир асар, деган ақидага амал қилиб, ҳар бир машғулотнинг жонли, қизиқарли ўтишини таъминлаш — ўқитувчидан юксак истеъдодни талаб қилади. Бир соатлик дарсини яхши санъат асари даражасига кўтариш вақти келди.

Бу тушунча моҳиятини чуқур ҳис этиб, давр руҳи ва замон талабини ҳис этиб ишлаётган ўқитувчилар туманда анчагина. Ўзбекистон Қаҳрамони, иқтидорли болалар лицейи директори Марат Зокиров тажрибаси ўрганишга арзийди. Шунингдек, 2 нафар Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси, 1 нафар "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", 1 нафар "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", 1 нафар "Ўзбекистон ифтихори", 7 нафар ижодкор ўқитувчи ёшларнинг севимли устозига айланган. Анжуманда улар тажрибаси кўпчилик учун ибрат мактабини ўтагани, шубҳасиз.

Август кенгаши олдидан фанлар кесимида 27 та шўба йиғилишлари ўтказилган эди. Шўба йиғилишларида ҳар бир фанни ўқитиш жараёни билан боғлиқ муаммолар, мулоҳазалар, тақдирлар умумлаштирилиб, август кенгашига тақдим этилди. Кенгашда

ана шу тақлиф ва истакларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарор ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Мақсад — янги ўқув йилида таълим ва тарбия бирлигини таъминлаб, дарс самарадорлигини оширишдан иборат. Шунингдек, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини шу кун талаби даражасида ташкил этишдир.

— Жамиятимиз фуқаролари, хусусан, ёшларни ёт мафкуралардан асраш, улар он-гда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймайлик, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш — "Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари" фанининг бош мақсади, — дейди 10-мактаб ўқитувчиси Раъно Аҳмедова. — Аммо ушбу фанни ўқитиш жараёнида баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, бу соҳа бўйича кўргазмали қуроқлар ва ўқув фильмлари етарлича яратилмаган... Ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланишини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Кенгаш кескин фикрлар, ўзаро баҳс-мунозара ва танқидий руҳда ўтди. Муҳими, фанларни ўқитишдаги хато ва камчиликлар аниқланиб, уни бартараф этишнинг аниқ тавсия ва йўналишлари белгилаб олинди.

\*\*\*

Пахтакор туманида ҳам ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди.

— Шўба йиғилишлари ҳали ишимизда камчилик ва муаммолар талайгина эканлиги кўрсатди, — дейди туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Хурсанд Қурбонова. — Ўқувчиларни касбага йўналтириш — шу куннинг долзарб вазифаси. Қузатишлар 9-синфни битирган ёшлар касб танлашда иккиланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бу мактаб психологлари ишидаги камчилик. Демак, касб-хунара ҳақидаги ташвиқот-тарғибот ишлари бошлангич синфлардан бошланиши керак. Шўба йиғилишларида асосий эътибор бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашга қаратилди. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан жиддий ишлашимиз керакки, келгусида болалар орасида бундай ўқувчилар қолмасин. Бунинг учун синфдан ва мактабдан ташқари ишлар самарадорлигини оширишимиз зарур. Фан тўғараклари номигагина эмас, чинакамига жонли фаолият кўрсатсин. Шунда ўқувчининг бекор қолишига имкон қолмайди. Зеро, ўқувчи вақтини ҳар жиҳатдан мазмунли ташкил этиш — таълим-тарбиянинг асосини ташкил этади.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,  
"Ma'rifat" мухбири**

# КЕНГАШЛАРИ: ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛМОҚДА?

## ФАРҒОНА

## УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР АСОСИДА ИЖОДКОРЛИК САРИ

Фарғонада кейинги йилларда республикада намуна бўларли аънаналар шаклланишда: таълимдаги туб ислохотларни изчиллик билан амалиётга татиқ этишда ҳокимият, таълим раҳбарлари ва педагоглар бирлиги, ҳамкорлиги шаклланди. Бу ҳол 2002 йилдаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика босқичи Фарғонада ўтказилганда, шу йилнинг июнь ойида Халқ таълими вазирлигининг меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаблар фаолиятига бағишланган кўчма хайъат йиғилиши ва семинар кенгашида тўлақонли эътироф этилди.

Фарғоналик педагогларга яна бир катта ишонч билдирилди: жорий йилнинг сентябрь ойи биринчи ўн кунлигида мактабдан ташқари таълим муассасалари ишини янада такомиллаштириш бўйича республика кўргазмали семинари Фарғонада ўтказилади. Фарғоналиклар бугунги кунда бу ишончни оқлаш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Албатта, вилоят ўқитувчиларининг аънавий август кенгашлари ҳам ана шу руҳдан келиб чиқиб, ноаънавий тарзда ташкил этилмоқда. Вилоят туман ва шаҳарларида бўлиб ўтадиган аънавий август кенгашларининг ноаънавийлиги шундаки, байрам тусини олувчи кенгашлар шўбаларда интерфал усулларда ташкил этилиб, ялпи йиғилишларда таклифлар, муаммолар ва долзарб фикрлар ўртага ташланади, ечимлар чиқарилади ва ана шулар асосида янги ўқув йили давомида амалга ошириладиган ишлар ҳамда вазифалар қатъий белгилаб олинади.

18 август кунини вилоятнинг энг сўлими ва баҳаво туманларидан бўлмиш Фарғона туманининг болалар оромгоҳида бўлиб ўтган вилоят ўқитувчиларининг намунавий август кенгаши ана шундай шаклда ўтказилди.

Авалло вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят методика маркази раҳбар-мутахассислари ноаънавий тарзда ўтвчи намунавий август кенгашига педагогларнинг қайси қатламларини таклиф этишни оқилонга ҳал этдилар. Кенгашга барча ХТБ мудирлари, педагогика кабинетлари бошлиқлари, энг фаол мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илғор мактабгача таълим муассасаларининг масъул мутахассислари таклиф этилди. Албат-

та, булар ёнига вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари ўринбосарлари, фахрий педагоглар ҳамда ташаббускор ота-оналар, ҳомийлар ҳам қўшилди.

Этиборда тутилган етти турдаги педагог раҳбарлар шу кунини эрталабданок ўзлари учун ташкил этилган махсус шўбаларда иш бошладилар. Шўбалар фаолияти қарийб уч соат давом этди. Ўзида 170 нафарга яқин тажрибали мутахассисни жамлаган еттита шўбада 7 та мавзу интерфал усулда муҳокама қилинди ва энг илғор фикр ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.

— Биз ўз мақсадларимизни ана шу шўбалар фаолиятида рўйбга чиқаришга интилдик, — дейди бошқарма бошлиғи М.Хўжаев. — Бугун таълим аравасини тортаётган раҳбар-мутахассислар, аввало, ўзларининг билим ва тафаккурини синовдан ўтказдилар, нималарни билиш ва билмасликларини англаб етдилар. Иккинчидан, уларда фаоллик туйғуси жўш урди. Улар ўз хулосаларини бердилар.

## ШЎБАЛАР ИШИ: АСОСЛИ ФИКРЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, намунавий август кенгаши ишининг ярмидан кўп қисмини шўбалардаги семинар-тренинглар ташкил этди.

Халқ таълими бўлимлари мудирлари иштирок этган 1-шўбада "2003-2004 ўқув йилида вилоят халқ таълими тизимидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзуси муҳокамага тортилди. Тренер О.Ҳошимова раҳбарлик қилган мазкур шўба иши ўзининг асосли фикрларга бой бўлгани, кескин мулоҳазалар асосида ўтгани билан ажралиб турди. Мудирлар кўплаб муаммолар ичидан 14 тасини танлаб олиб, кенгашнинг ялпи йиғилишига ҳавола қилдилар.

Тренер М.Қаҳқорова бошчилигидаги 2-шўба иштирокчилари ўтган ўқув йилида йўл қўйилган камчилик, хато ва муаммоларни таҳлил қилдилар. Педагогика кабинетлари мудирларининг фикрича, кадрлар сифати, синфдаги ўқувчилар сонини 25 нафардан оширмаслик, ҳар хил асоссиз текширувлар-

ни камайтириш, техник воситалардан фойдаланишда коммуникациядан фойдаланиш, дарсликлар мазмунини дастурга мослаштириш каби долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ечиш энг муҳим масалалар ҳисобланади. Бу шўба вакиллари ҳам 10 та масалани кўтардилар.

3-шўбада мактаб директорларини қийнаётган муаммолар муҳокама қилинди. Шўба аъзолари мактаблар олдида турган 10 та энг долзарб муаммоларга ечим изладилар. Булар ичида ҳамкорлик, табақалаб ўқитиш, дарс юкламаларининг кўплиги, болаларни асоссиз равишда қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш, синфларда ўқувчилар сонининг кўплиги, рейтинг тизимини янада соддалаштириш каби муаммолар кенгашнинг ялпи йиғилишига ҳавола қилинди. Ш.Насриддинова раҳбарлигидаги мазкур шўба аъзолари кенгаш давомида фаоллик кўрсатиб ишладилар.

М.Махмудова тренер бўлган 4-шўбада илмий бўлим мудирлари ишладилар. Улар ҳам мактаб методбирлашма ишларини такомиллаштириш юзасидан чуқур мулоҳаза қилдилар. 90 дақиқадан ортиқ давом этган фикрлашувлардан сўнг 6 та асосли фикрни ўртага олиб чиқдилар. Шўба иши якунида илмий бўлим мудирлари мактабларда метод бирлашмалар ишини тўғри йўлга қўйиш учун қозғалди амалий ишга ўтиш, бу йўналишда интерфал усулдаги семинар-тренингларни режа асосида ташкил этиш зарур, деган хулосага келдилар. Қолган шўбаларда ҳам иш ана шу шаклда кечди. Шўбаларнинг аъзолари томонидан кўтарилган энг долзарб фикрлар кенгашнинг ялпи йиғилишида муҳокамага қўйилди. Ҳар бир шўбанинги вакили ўзлари таклиф этган масалаларни шарҳлаб бердилар. Шундай қилиб, ялпи йиғилишда жами 50 дан ортиқ муаммоли масала ўртага ташланди.

— Кутган натижани олдик, — деб изоҳлайди вилоят методика маркази бошлиғи Т.Мақсудов. — Шўбаларда ишлаб чиқилган ва кенгаш ялпи йиғилишига тақдим этилган муаммолар махсус комиссия томонидан ўрганилиб, уларни ҳал қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бу кенгаш вилоят педагогларига янги ўқув йили оли-

дидан старт берди. Энди жойларда ўтказилажак август кенгашлари худди шу тарзда кечадди. Ишонамизки, танлаган йўлимиз биз учун кўп ютуқларни қўлга киритишимизга омил бўлиши, шубҳасиз.

чиларда катта таассурот қолдирди.

## ИЖОДКОРЛИК — ШИОРИМИЗ

— Бу йилги шиоримиз

## КЎРГАЗМА

Бу ерда ташкил этилган кўргазмага қўйилган ижодий изланишлар ранг-баранглиги билан барчанин эътиборини ўзига тортди. Кўргазмага асосан тўрт йўналишдаги ижодий ишлар қўйилди. Тумандаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ижодкорларининг ишлари, халқ амалий санъатига доир ижод намуналари, ўқитувчиларнинг услубий изланишлари, боғча тарбиячиларининг қўлда ясаган ишлари кўргазманинги асосини ташкил этди.

— Мен кўргазмани кузатиб, бу ерга вилоят бўйича ижодий ишлар намуналари тўпланибди, деб ўйлабман, — дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирлиги ходими Б.Дониёров. — Хато қилган эканман, кўргазма фақат Фарғона туманигагина тегишли экан. Қўйилган экспонатлар жуда кўп ва ранг-баранг. Энг асосийси, ижодкор ўқувчиларнинг ишлари кишини ҳайратга солади. Жуда кўп ишлар қилинибди.

Кенгаш қатнашчиларини 15-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ҳаётбек Ҳайдаровнинг 16 турдаги мебеллари ҳайратга солди. Бу ўқувчи шу йил Марғилонда ўтказилган "Ёш усталар" кўрик-танловда миллий хунармандчилик йўналиши бўйича 1-ўринни бежиз олмаган экан.

Туманда иккита мактабда қирғиз миллатига мансуб болалар таълим оладилар. 25-мактабнинг қирғиз болалари томонидан тайёрланган миллий уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, чолғу асбоблари ҳам кўпчиликнинг эътиборида бўлди.

39-мактабнинг ўқитувчи-ўқувчилари жамоаси марҳум шоир Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига кўргазма ташкил этибди. Бирон бир кенгаш қатнашчиси шоирга бағишланган бу мўъжазгина кўргазмани бефарқ кузатмагани аниқ. Айниқса, мактаб директорни Маъмуржон Матмусоевга совға қилинган Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 32-мактаб ўқувчиси Мунираҳон Холдорова томонидан чирилган шоир портрети кўргазманинги энг эътиборли экспонат бўлди, десак хато бўлмайди. Хуллас, 100 дан ортиқ мустақил кўргазмаларни ўзида жамлаган ижодий кўргазма кузатув-

"Умуммиллий дастур асосида — ижодкорликка" бўлади, — деди бошқарма бошлиғи М.Хўжаев. — Ижодкор ўқитувчи ўзининг тақдорини мевасини беради ва у ўз шоғирдлари билан фахрланиб яшайди. Вилоятимиздаги комил инсон ижодкорлари деган шарафли баҳога лойиқ Гулсара Махмудова (Риштон тумани), Баҳодир Мирзаев (Тошлоқ тумани), Мунира Ҳайитбоева (Фурқат тумани), Юнусали Умматалиев (Қува тумани), Азим Пўлатов (Бешариқ тумани), Саломатхон Абдуллаева (Фарғона тумани), Ҳанифахон Маматхўжаева (Учкўприк тумани), Фарида Муродова (Олтириқ тумани) каби юзлаб ижодкор, фидойи педагогларимиз билан фахрланамиз.

Бугун давр талабига "лаббай" деб жавоб бериб, янги педтехнологиялар асосида, ўз ўқитиш услубига эга бўлган педагогларни доимо иззатда, ҳурматда тутамиз, ишда уларга таянамиз.

Кенгашнинг ялпи йиғилишида вилоят ҳокими ўринбосари А.Иноятов сўз олиб, Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан мактабни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Давлат уммумиллий дастури асосида вилоятда амалга ошириладиган ишларга атрафлича тўхтади. Вилоятда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун ўтган ўқув йилида марказлашган маблаглардан 1,2 миллиард сўм ажратилганлиги, бу маблағ мактаблар томини ёпиш учун шифер, ойна, қувур ва бўёқлар сотиб олишга ишлатилганини таъкидлади. Шунингдек, 2004 йилда вилоятда 828 ўринли 3 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилгани, бунинг учун 938 миллион сўм сарфлангани қайд этилди. Шунингдек, 2004-2005 ўқув йилида Қувасой шаҳри Полмон қишлоғида 320 ўринли, Бешариқ тумани Узун қишлоғида 330 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Шундан сўнг ёш педагогларнинг тантанали қасамёди қалбларга фахр ва ифтихор туйғусини солди. Айни дамда ёш педагогларни таниқли шоирлар Охунжон Ҳакимов, Энаҳон Сиддиқова, фахрий педагог Ҳалимаҳон Хўжақуллова педагоглар сафига қўшилаётганлари билан самимий мувожабод этдилар.

Кенгаш сўнггида вилоятдаги энг фаол, фидойи педагоглар Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармасининг Фахрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**  
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

## НАМАНГАН

## НАМУНАЛИ ТАРЗДА ЎТДИ

гор педагогик технологияларни қўллаб фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни излаш, тажрибаларини ўрганиш ҳамда оммалаштириш каби масалаларни ҳам таҳлил қилдилар.

Шунингдек, ҳар бир шўбада ўша йўналиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди. Уларнинг айримларига тўхталамиз: масалан, кимё-биология фанлари бўйича умумий дарс соатлари жуда озлиги, дарсликлардаги кимёвий тенгламалар ва формулаларда хатоликлар мавжудлиги, 8-9-синф дарсликлари равон ёзилмаганлиги, математика фани бўйича юқори синфларда аукцион, саёхат ва бозор усулларида дарс ўтиш мақсадга мувофиқлиги, хорижий тиллар йўна-

лишида француз тилидан 5-синф дарсликларида фонетик машқларни киритиш, аукцион усулда дарс ўтиш лозимлиги, 8-синф дарслигида грамматик машқлар ўта мураккаб берилгани, немис тилидан 7-синф дарслигида антонимлар мураккаб берилганилиги, инглиз тилидан тренинг машғулотлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш лозимлиги, бошланғич таълим йўналиши бўйича 1-синф "Математика" китоби билан "Иш дафтари" кетма-кетлиги бир хил эмаслиги, 2-синф "Ўқиш китоби"да савол ва топшириқлар берилган бўлса-да, бироқ улар учун дарс соати ажратилмагани ва буларни бартараф этиш лозимлиги ҳақидаги таклифлар ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари учун 8 та йўналиш бўйича тавсиялар берилди.

Кенгаш якунида илғор, ижодкор педагоглар ва фахрийларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
**журналист**

Наманган туманида халқ таълими ходимларининг аънавий август кенгаши намунали тарзда ўтказилди. Кенгаш олди шўба йиғилишлари эса туманнинг бир қатор мактаблари ва 19-мактабгача таълим муассасасида ташкиллаштирилди. Уларда 900 нафар маорифчилар, туманлар ХТБ мудирлари, уларнинг ўринбосарлари, методика кабинетини мудирлари, ота-оналар, фахрий педагоглар иштирок этишди.

Шўба йиғилишлари уч босқичга, яъни семинар-тренинг, бир соатлик очиқ дарс, таълим жараёнига кириб келган янгиликлар ва 2004-2005 ўқув йилидаги вазибалар муҳокамаси тарзида ўтказилди ҳамда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, имитацион ўйинлар, ҳамкорлик технологияси каби шаклларга бой бўлди. Иштирокчилар ўқувчиларнинг ДТС талаблари асосида эгаллаган билим ва кўникмаларининг сифат кўрсаткичлари, уларнинг фан олимпиадалари ва бошқа кўриктанловлардаги иштироки натижалари, шу билан бирга ёш мутахассисларга кўрсатилаётган амалий ёрдам, ил-

## Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлик даражасини аниқлашнинг кўпбалли рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича Халқ таълими вазирлигида тузилган ижодий гуруҳ вакилларининг умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига очиқ хати

### Хурматли устозлар, азиз ҳамкасблар!

Мустақиллик даврида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Маълумки, ўқувчилар тайёргарлик даражасини ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаш таълим самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизимининг таълим жараёнига киритилиши ижобий самара бераётган бўлсада, лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир қўлланилаётган ҳар томонлама мукамал ишланган рейтинг тизимдаги ҳисоб-китоблар микдорининг кўплиги ва мураккаблиги ҳақли равишда ўқитувчиларимизнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур масала бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари олдида турган ҳал этилиши лозим бўлган асосий ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2004 йил 9 августда Халқ таълими вазирлигининг «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг амалдаги кўпбалли рейтинг тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги 165-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруққа асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар бўйича уч нафардан (энг ижодкор, тажрибали амалиётчи-ўқитувчи, методист, мактаб ўқув-тарбиявий ишлар директори ўринбосари) иборат мутахассисларни жалб этган ҳолда таркиби 45 кишидан иборат ижодий гуруҳ тузилди. Ижодий гуруҳ 2004 йилнинг 11-15 август кунлари Республика таълим марказида фаолият кўрсатиб, ўқувчилар таълим тайёргарлик даражасини аниқлашнинг амалдаги кўпбалли рейтинг тизимини ҳар томонлама таҳлил этди ҳамда унинг сод-

далаштириш, ўқитувчилар учун қулай, ўқувчилар ва ота-оналар учун тушунарли вариантини тайёрлаш устида ишлади. Ижодий гуруҳ фаолиятининг интерактив тренинг шаклида ташкил этилиши, ҳар бир гуруҳ аъзосининг масалга чуқурроқ киришиши, ижод қилиши учун имкон яратди.

Ижодий гуруҳнинг таҳлиладан амалдаги рейтинг тизимида куйидаги камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди:

— ўқитувчилар томонидан чорак якунида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, яъни чорак охирида балларни назорат турлари бўйича саралаб чиқиш ўқитувчиларнинг иш ҳажмини бир неча баробар кўпайтириши;

— Мажбурий стандарт ишларини баҳолаш жараёнида ҳисоблаш ишларининг мураккаблиги ўқитувчининг кўп вақтини олиши;

— назорат турлари кўп ҳамда «оралиқ назорат» ишлари тақсимоти нотўғри режалаштирилганлиги сабабли мажбурий стандарт текширув ишлари оралигида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш имконияти етарли бўлмай қолиши;

— Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементлари жуда майдаланган ҳамда сони ҳаддан ташқари кўплиги, бу эса уларнинг ҳар бирини ўқувчи томонидан ўзлаштиришини назорат қилишни ўқитувчи учун мураккаблаштириши;

— рейтинг Низомининг ўта илмий тилда ёзилганлиги, ҳисоблашларнинг кўплиги, ўқув фанлари бўйича ўқувчилар тўплаши лозим бўлган балларнинг ҳар хиллиги ота-оналарнинг тизимни тўлиқ тушуниб етмаслигига олиб келиши;

— мажбурий стандарт текширув ишлари ишланмаларининг ҳар бир ўқитувчи кўлига етказилмаганлиги;

— таълим муассасаларининг компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланмаганлиги, рейтинг тизимини амалга жорий этишни қийинлаштириши.

Юқоридаги камчиликларни инобатга олган ҳолда, «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрирдаги тажриба-синов варианты ва рейтинг журналининг лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳа ижодий гуруҳда муҳокама этилиб, 45 нафар гуруҳ аъзоларидан 43 нафари уни ёқлаб, 2 нафари бетараф овоз берган.

Азиз ҳамкасблар, яратган бу лойиҳамиз аввалги рейтинг тизимидан тубдан фарқ қилмасда, ўқувчилар билимини баҳолашда сиз учун бир мунча қулайлик туғдиради, яъни ҳисоб-китоблар осонлаштирилди, назорат ишлари сони ҳам ДТС талаблари асосида бир оз камайтирилди.

Энди Сиз уни амалиётда қўллаб, камчиликларини ёки дуч келган муаммоларингиз ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз лозим бўлади.

Сиз уни қўллаб кўринг! Уйлаб кўринг! Биз билан ҳамкорлик қилинг, ҳамфикр бўлинг!

Бу лойиҳамиз сизга маъқул бўлади ва машаққатли меҳнатингизни энгиллаштиришга кўмак беради, деган умиддамиз, таклифларингизни кутамиз.

Маълумот учун телефон: 139-14-70.

Хурмат ва эҳтиром билан,

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг амалдаги кўп балли рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича ижодий гуруҳ аъзолари.

2004 йил 14 август.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорининг 7-бандига асосланган ҳолда киритилади.

1.2. Мазкур Низомда «рейтинг» тушунчаси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиши даражасини кўпбалли баҳолаш, назорат қилиш ҳамда уларнинг қобилиятини, иқтидорини ривожлантиришга қаратилган тизим сифатида белгиланади. Бу тизимнинг оддийдан мукамалликка қараб, босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилиши назарда тутилади.

1.3. Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг узлуксиз таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, у Давлат таълим стандартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқилади. Рейтингни амалга оширилишини таъминловчи ва тартибга келтирувчи меъёрий ҳужжатлар Давлат таълим стандартларининг таркибий қисмидир.

1.4. Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом ва мазкур Низом талабларига мос ҳолда амалга оширилади.

### II. РЕЙТИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг куйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва амалга оширилади:

2.1. Республиканинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитишнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда рейтинг тизимининг бирлиги ва яхлитлиги.

2.2. Назорат турлари ва шакллари педагогик, дидактик ва психологик талабларга мослиги.

2.3. Таълим жараёнининг барча қатнашчилари учун рейтинг тизими ва унинг натижалари тушунарлилиги ва у ҳақда маълумот олиш мумкинлиги.

2.4. Рейтинг натижаларини ҳисоб-китоб қилиш ишларининг оддийлиги, кўп вақт талаб қилмаслиги.

2.5. Давлат таълим стандартларида белгиланган ўқувчилар ўзлаштирилиши лозим ва зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида ҳар бир бўйича ишлаб чиқилган мажбурий стандарт назорат ишлари (МСНИ) мажмуалари рейтингнинг **меъёрий-услубий негизи** бўлиб ҳисобланади.

2.6. Ҳар бир мажбурий стандарт назорат ишларида белгиланган билим, кўникма ва малака элементларининг текширилиши «бажарди» ёки «бажармади» кўринишида ифодланади ва рейтингнинг меъёрий негизи бўлиб ҳисобланади.

Мажбурий стандарт назорат ишларининг рейтинг бали унда белгиланган билим, кўникма ва малака элементлари сонидан қатъий назар «5» балл билан баҳоланади. Яъни БКМнинг ҳар бир бажарилган элементини 5 балдан баҳолаш асосида МСНИ умумий балининг ўртача қиймати чиқарилади. (4-илова)

2.7. Ўқувчининг ҳақиқий чорак(йил)лик рейтинг балининг асосий компонентлари

ҳисобланган назорат турлари ҳар бир фан бўйича унинг тайёргарлик даражасини кўпбалли баҳолашда ҳолисоналик ва таълим самарадорлигининг таҳлил этилишини таъминлайди.

### III. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

3.1. Ўқувчилар таълим тайёргарлигини баҳолашда субъектив ёндашувни бартараф этиш ҳамда баҳолашнинг ҳолисоналиги ва ҳаққонийлигини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш.

3.2. Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлик даражасини ҳолисона баҳолаш орқали уларнинг билим, кўникма ва малакаларида бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва босқичма-босқич коррекциялаш, бартараф этишни таъминловчи тизимни яратиш.

3.3. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган, Давлат таълим стандартларида белгиланган БКМлар бўйича ўзлаштириш даражасини объектив равишда ҳисобга олинишини ташкил этиш. Яъни ўқув фанидан мажбурий билим, кўникма ва малакаларни (БКМ) ўзлаштиришда ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолаш ва Давлат таълим стандартларида назарда тутилган БКМлар сони, сифати ўртасида тўғридан-тўғри мосликни ўрнатиш ҳамда яхлит ҳолда олиш.

3.4. Ўқувчилар таълим тайёргарлигини баҳолашда мажбурий стандарт назорат иш (МСНИ)ларини оралиқ назорат тури сифатида амалиётга киритиш.

3.5. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқувчилар томонидан дастур материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.

3.6. Ўқувчининг таълим фаоллигини таъминловчи илгор педагогик технологияларни жорий этиш билан уларда узлуксиз таълим олишга эҳтиёж ва ижобий муносабатни шакллантириш.

3.7. Таълим жараёнини имкон қадар индивидуаллаштириш асосида ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш.

3.8. Иқтидорли болаларни аниқлаш, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда онгли равишда касб-ҳунар танлашга тайёрлаш.

### IV. НАЗОРАТ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

4.1. Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашнинг рейтинг тизими куйидаги назорат турлари орқали амалга оширилади:

- оралиқ назорат — ОН
- жорий назорат — ЖН
- ижодий фаоллик назорати — ИФН
- якуний назорат — ЯН

4.2. **Оралиқ назорат (ОН)** ҳар бир ўқув фани бўйича ДТСда кўзда тутилган, ўқувчилар ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билим, кўникма ва малакалар элементлари сони аниқ белгиланган мажбурий стандартли назорат ишлари (МСНИ) орқали амалга оширилади. Ҳар бир мажбурий стандартли назорат иши (МСНИ) ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва улар томонидан ўқув фанидаги муайян бўлим ёки мавзулар гуруҳининг мажбурий қисмининг ўзлаштирилиши ҳақиқий даражасини баҳолашни мақсад қилиб олади.

Мажбурий стандарт назорат ишларининг шакллари оралиқ назоратнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳар бир фан

## Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида

# НИЗОМ

(янги таҳрирдаги лойиҳа)

бўйича таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хослиги ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

4.3. **Жорий назорат (ЖН)** оралиқ назоратлар орасида ўтказиладиган кунлик сўров бўлиб, у ўқувчиларнинг билимларидаги бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, ўқув фаоллигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Бундан ташқари, МСНИлар оралигида аъёнавий шаклларида ўтказиладиган кунлик назорат **таълимий ҳаткерга** эга бўлиб, ўқувчиларда шакланаётган билим, кўникма ва малакаларни коррекциялаш, мустаҳкамлаш; нутқ, хотира ҳамда мустақил фикрларини ривожлантириш, уларнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида ўтказилади.

4.4. **Ижодий фаоллик назорати (ИФН)** рейтинг доирасида барча ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган, ижодий ишларни ихтиёрий бажарилиши орқали уларнинг истак ва хоҳишларига кўра ташкил этилади.

Ижодий топширик ва ишларнинг шакллари ўқитувчи томонидан белгиланади ва аъёнавий (олимпиадалар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, реферат ҳимояси, маъруза, модел ва макетлар ясаш, мавзуй бошқотирмалар тузиш, ижодий-адабий ишлар, бадийи ва техник ижодкорлик ва бошқалар) ёки ноъёнавий (муайян мавзу бўйича илмий иш, кўргазмалар қуроллар ва асбоб-ускуналар, ўқув видеофильмлари яратиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

4.5. **Якуний назорат** умумий ўрта таълим мактабларида таълимнинг тўлиқ курси тугагандан сўнг Давлат аттестацияси шаклида амалга оширилади.

Назоратнинг ушбу тури ўқувчиларнинг бутун ўқув курси давомида эришган таълим тайёргарлиги даражаси рейтингининг ҳаққонийлигини, унинг умумий ўрта таълим Давлат стандартлари талабларига мослигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Якуний назоратнинг мазмуни ва уни ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда улар асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарор ва буйруқлари асосида белгиланади.

### V. РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Мажбурий стандартли назорат ишлари (МСНИ) баҳолашда текшириладиган билим, кўникма ва малака элементларининг ҳар бири, уларнинг сонидан қатъий назар, 5 балл билан баҳоланади. Бажарилган БКМ элементларининг баллар йиғиндиси МСНИдаги

элементлар сонига бўлиниб, ўртача қиймати чиқарилади ва яхлитланади. Ушбу яхлитланган балл назорат ишларининг ҳақиқий бали ҳисобланади.

5.2. Ҳар бир ўқув фани бўйича чоракли стандарт рейтинг бали (ЧСРБ) чорак (ярим йиллик)да ўтказилиши кўзда тутилган барча мажбурий стандартли назорат ишларининг (МСНИ) йиғиндиси сифатида аниқланади.

5.3. Йиллик стандарт рейтинг бали (ЙСРБ) чораклик (ярим йиллик) стандарт рейтинг балларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

5.4. Ҳар бир мажбурий стандарт назорат ишларининг ҳақиқий бали (НИХБ) кўйилади.

Мазкур балл ўқувчи томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малака элементларининг ҳақиқий сони ва сифатини ифода қилади.

5.5. Чорак (ярим йиллик) якунида ўқувчининг барча мажбурий стандарт назорат ишларининг бажарилганлиги учун олинган ҳақиқий баллари жамланади. Ушбу йиғинди ўқувчининг ҳақиқий чораклик балининг асосий компонентларидан биридир ва чорак давомида ўзлаштирилиши кўзда тутилган билим, кўникма ва малакалар сони ва сифатини ифода қилади.

5.6. Бажарилмаган БКМларни тўлдиривчи мақсадида тўлдирувчи сўров ўтказилади ва ўқувчига «Тўлдирувчи балл» (ТБ) кўйилади.

Ҳар бир алоҳида назорат иши учун кўйиладиган тўлдирувчи балл (ТБ) назорат ишларининг стандарт бали (НИСБ) ва уни бажаришда ўқувчи томонидан олган ҳақиқий бали (НИХБ)нинг тафовитидан ошмаслиги лозим.

Чорак якунида ўқувчининг олган барча тўлдирувчи баллари (ТБ) жамланади. Тўлдирувчи балларнинг мазкур йиғиндиси ўқувчининг чораклик рейтинг балининг иккинчи асосий компоненти ҳисобланади ва чорак давомида ўқув фани бўйича ўтказилган барча мажбурий стандартли назорат ишларида унинг билим, кўникма ва малакаларидаги ўзлаштирилмаган бўшлиқлар микдорини ифода қилади.

5.7. Умумий баллар йиғиндиси, мажбурий стандарт назорат ишларини бажаргандан сўнг тўлдирувчи сўров пайтида аниқланган камчиликлар қоплангандан кейин ўқувчининг чорак давомида ўзлаштирган билим, кўникма ва малака элементларининг ҳақиқий сони ва сифатини ифода қилади.

5.8. Ўқувчининг ҳақиқий чораклик рейтинг балининг навбатдаги компоненти унинг жорий назорат жараёнида турли шаклдаги топшириқларни бажариш орқали йиғган балларидир.

5.9. Жорий назорат шаклининг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда ўқувчига ҳар бир бажарилган топшириқ учун, шу жумладан иш дафтарларининг текширилган натижаларига кўра, 5 баллгача кўйилади.

5.10. Жорий назорат бали ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун хизмат қилади, дарслардаги шахсий таълим фаоллиги учун шароитни таъминлайди.

5.11. Ўрнатилган талабларга мувофиқ бажарилган **ижодий иш** учун ўқувчи 5 баллгача баҳоланади.

5.12. Ўқувчининг чоракли ҳақиқий рейтинг бали (ЧХРБ) кўйидаги тартибда ҳисобланади:

Чоракли ҳақиқий рейтинг бали мажбурий стандарт назорат ишлари (МСНИ)да ўқувчининг олган ҳақиқий баллари йиғиндисига, жорий назорат балларининг ўртача яхлитланган қиймати ва ижодий фаолият баллари йиғиндисидан иборат бўлади.

**Изоҳ:** чоракли жорий назорат баллини чиқаришда ўқувчининг чорак давомида олган жорий назорат балларини кўшиб ўртача қиймати чиқарилади ва яхлитланади.

5.13. Ўқувчининг йиллик ҳақиқий рейтинг бали (ЙХРБ) муайян ўқув фани бўйича чоракли (ярим йиллик) рейтинг балларининг йиғиндисидан сифатида аниқланади.

**VI. ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомнинг 4.4. бандига мувофиқ, йиллик рейтингни аниқланади ва қайд этилган ҳужжатнинг 4.6. бандига мувофиқ ўқувчини синфдан-синфга кўчириш ҳақида Қарор қабул қилинади.

6.2. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомини (4.7. банди) ва «Ўрта махсус ва касб-хунар таълими тўғрисида»ги Низомини (3.1. банди)га асосан, Давлат аттестацияси натижаларига кўра мактаб битирувчиларига, якуний аттестациянинг тест натижалари, ҳар бир ўқитилган таълим фани бўйича йиллик ҳақиқий рейтинг бали (ЙХРБ) кўрсатилган ҳолда, Давлат намунасидаги шаходатнома (аттестат) топширилади.

6.3. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомнинг 5.5. бандига асосан битирувчига шаходатнома билан бир вақтнинг ўзида таълим олишни академик лицей ёки касб-хунар коллежида давом эттириш тўғрисида тавсиянома топширилади.

Мазкур тавсиянома ўқувчи рейтингни таҳлилининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

**VII. РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ МЕЪЁРИЙ ВА УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ**

7.1. Мазкур Низом билан бир вақтда рейтингнинг меъёрий базасини кўйидагилар ташкил қилади:

- таълим тўғрисидаги ҳужжат намуналарини тасдиқлаш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини якуний Давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва улар асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган буйруқлар;
- қатъий назоратдаги ҳисобот ҳужжатлар намуналарини ва мажбурий стандарт назорат ишлари мажмуаларини тасдиқлаш ёки мазмунини янгилаш тўғрисидаги Халқ таълими вазирлигининг қарорлари;
- таълим бошқаруви ваколатли органларининг йиллик назоратни ўтказиш ҳақидаги буйруқ ва қарорлари;

7.2. Рейтингнинг услубий қўлланмалар таъминотини кўйидагилар ташкил қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида ишлаб чиқилган мажбурий стандарт назорат ишларининг (МСНИ) мажмуалари;
- рейтинг тизимидан назоратнинг алоҳида турлари ва шакллари ташкил этиш ҳақидаги услубий йўриқномалар;
- қатъий назоратдаги мактаб ҳужжатларининг юритилиши ва ўқувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларининг тўлдрилиши ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномалар;
- рейтинг тизимига асосланган мактабнинг ички назоратини ташкил қилиш ва унинг натижалар таҳлилининг амалга ошириш ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномалар;
- алоҳида иш турларининг бажарилиши ҳақидаги ўқувчилар учун йўриқномалар.

**VIII. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8.1. Ўқитувчи ўқувчиларни таълим тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича ўз иш фаолиятида мазкур Низом ва айрим назорат турларини амалга ошириш ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномаларга амал қилади.

8.2. Ўқитувчининг вазифаларига кўйидагилар қиради:

- МСНИларнинг мазмуни, ўтказиш тартиби ва вақти тўғрисида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини олдиндан хабардор қилиш;
- мажбурий стандарт назорат иш (МСНИ)ларини услубий тавсиянома ва йўриқномалар талаблари асосида ўтказиш;
- ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларидаги бўшлиқларни тўлдириш учун тўлдирувчи сўровларни ташкил қилиш;
- ҳар бир назорат турини амалга оширишда барча ўқувчиларга таълим фаоллигини ва тўпланган билимларини рўёбга чиқариш учун тенг шароит яратиш бериш;
- ўқувчилар ишини, шу жумладан, уларнинг иш дафтарларини ўз вақтида текшириш;
- ўқувчиларнинг барча турдаги ишларини текширишда уларнинг ҳақиқий билим, малака ва кўникмаларини аниқ ва ҳолисона ҳисобга олиш ҳамда назорат натижаларини ўз вақтида синф журналида акс эттириш;
- истеъдодли болаларни танлаш ва ўқитиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва касбни тўғри танлашни шакллантириш учун мақсадга йўналтирувчи ишларни амалга ошириш.

8.3. Ўқитувчининг ҳуқуқлари:

- текширув ишининг ҳажми, мураккаблик даражаси ҳамда унда қамраб олинган ва текширишга мўлжалланган билим, кўникма ва малака элементлари бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган МСНИга ижодий ёндашган ҳолда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида қисман ўзгартиришлар киритиши мумкин;
- ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларида аниқланган камчиликларни тўлдириш мақсадида тўлдирувчи сўровларнинг мазмун ва мақсадга мувофиқ педагогик оптимал шакллари танлаш;
- ҳар бир мажбурий стандарт назорат (МСНИ)дан кейин тўлдирувчи сўровни ўтказиш оптимал муддатини белгилаш;
- ўқувчиларга ижодий ишларнинг рўйхати, шакли ва мазмунини тавсия қилиш;
- ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги рейтингини ва ўқитиш жараёнининг ўзгартирилиши ҳақида мактаб педагогик кенгашида кўриб чиқиш учун асосланган таклифлар киритиш.

8.4. Ўқувчи мажбуриятлари:

- мазкур фандан МСНИлар мажмуасига киритилган ҳар бир мажбурий стандартли назорат ишини белгиланган вақтда бажариш;
- агарда мажбурий стандартли назорат иши узрли сабабларга кўра қолдирилса, ўқувчида мазкур ишни индивидуал тарзда бажариш ва уни ўқитувчи томонидан текширилгандан сўнг тўлдирувчи сўровдан ўтиш ҳуқуқлари сақланади;
- агарда мажбурий стандартли назорат иши узрсиз сабабларга кўра қолдирилса, ўқувчида мазкур ишни фақат индивидуал тарзда бажариш ҳуқуқи сақланади ва унинг натижалари тўлдирувчи баллар ҳисобидан кўйилади;
- тўлдирувчи сўров топшириқларини белгиланган вақтда бажариш;
- бажарилиши ёзма равишда мўлжалланган фанлардан мажбурий стандартли назорат ишлар ва тўлдирувчи сўровлар топшириқлари учун махсус дафтарларни юритиш.

8.5. Ўқувчи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

- барча назорат турларининг мазмуни, тартиби, ўтказиш вақтидан хабардор бўлиш;
- дарсларда ўзининг таълим фаоллигини жорий назорат даврида амалга ошириш;

кейинги ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини ихтиёрий танлашга тайёрлаш;

- рейтинг мазмуни, бажарилиш тартиби ва натижалари ҳақида мунтазам ва тўлиқ маълумот олиш;
- ўқувчининг таълим тайёргарлик жараёнини такомиллаштириш ва унинг йўналишини ўзгартириш (коррекциялаш) масалалари бўйича педагогик жиҳатдан асосланган тавсия ва маслаҳатлар олиш;
- ўқувчининг чораклик (ярим йиллик) рейтинг балини мазкур фандан стандарт даражасига етказиш мақсадида унинг таълим тайёргарлиги даражаси устидан индивидуал текширув назорати ўтказишни мактаб маъмуриятдан расмий илтимос қилиш.

**ИЛОВАЛАР**

1-илова

**Мажбурий стандарт назорат иши (МСНИ)ни текшириш тартиби намунаси 6-синф физика фани**

МСНИ -№\_ \_\_\_\_\_

**МАВЗУ:** Модданинг солиштира зичлигини аниқлаш.

**Мақсад:** Лаборатория усулида модданинг солиштира зичлигини аниқлашни ўрганиш.

Ушбу МСНИ да текширилиши лозим бўлган БКМ элементлари

1. Иш ўрнини тайёрлаш — «бажарди».
2. Лаборатория асбоблари билан ишлаш олиши — «бажарди».
3. Жадвални тўғри тайёрланганлиги — «бажармади».
4. Ўлчовларининг аниқлиги — «бажармади».

5. Ҳисоблашлар бажарилишининг тўғрилиги — «бажармади».

6. Ҳисоботнинг тайёрланиши — «бажарди».

Ушбу ишда ўқувчи томонидан учта элемент бажарилган, уч элемент «бажарилмаган».

Бажарилган элементлар беш балдан баҳоланганда унинг бали 15 балга тенг бўлади. Ўқитувчи тўпланган бални яхлитлашда  $15:6=2,6$  яхлитлаб олганда МСНИнинг бали 3 бални ташкил қилган.

Ушбу тартибда бошқа МСНИлар ҳам текширилиб борилади.

Бажарилмаган элементлар МСНИлар оралиғида тўлдрилиши шарт.

2-илова

**3-синф «она тили» фанидан 1-чорак учун СРБни ҳисоблаш жадвали**

	МСНИ1	МСНИ2	МСНИ3	МСНИ4	МСНИ5	ЧСРБ
МСНИларни ўтказиш муддати	13 дарс	21-дарс	27-дарс	37-дарс	43-дарс	
МСНИларни ўтказиш шакли	диктант	диктант	Луғат диктант	Кўчирма диктант	Тест	
Ишга берилган вақт	40 мин	40 мин	40 мин	40 мин	40 мин	
БКМ элементлари сони	7	9	13	12	10	51
НИСБ	5	5	5	5	5	25

3-илова

**3-синф «Она тили» фанидан ЙСРБнинг ҳисобга олиш жадвали**

	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Йиллик
МСНИлар сони	5	5	5	4	19
БКМ элементлари сони	51	56	50	36	193
ЧСРБ	25	25	25	20	95

4-илова

**Синф журналини тўлдириш намунаси 1-chorakda ona tili fanidan o'quvchilarning reyting ballarini hisobga olish jadvali.**

1-bet

T/r	Reyting balining komponentlari	MSNI soni va uning standart bali												ChSRB ЧСРБ	MSNI soni va o'g'uvchilar olgan to'ldiruvchi ballar № СОКРа и полученный учеником компенсирующий балл	DTsning bajarilishi				
		СОКР и его стандартный балл																		
	O'g'uvchilarning ismi, shanifi	1	2	3	4	5	6	7						25	Jami	Vsero	Выполнения ГОС			
	Фамилии и имена учащихся	O'g'uvchi olgan haqiqiy ballari																		
1	Abdullayev Akrom	4	3	4	5	4								20	1	2	1	1	5	25
2	Bo'ronov Botir	3	2	1	3	4								13	1	2	2	1	6	19
3	Qayumova Dilorom	4	2	3	4	3								16		1	2	2	5	21
...																				
43																				

Davomi 2-bet

T/r	O'quv hafta soni va joriy nazorat bali												O'rtacha joriy nazorat bali	IFN KTA	Chorakli haqiqiy bali	O'mi
	Учебная неделя и полученные учеником балы текущего контроля														Фактический четвертной балл	Место
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12				
1	4		5			5		5		4		5	5		35	1
2	4			3			4		4				4		23	3
3		5			4			4			4		4		25	2
...																
43																

Fan o'qituvchisi \_\_\_\_\_

Маълумки ҳар йили Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда республика "Истеъдод" жамғармаси "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танловини ўтказиб келмоқда. Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад таълим сифатини ошириш ва бу билан мамлакатимиз тараққиётини кўра биладиган, ўз ақлий, илмий салоҳияти билан бунга ҳисса қўшадиган кадрларни босқичма-босқич тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

Қуйида ушбу танловда иштирок этаётган адабиётлар рўйхати эълон қилинмоқда. Тавсия қилинаётган бу ўқув адабиётлари экспертлар томонидан синчиклаб ўрганилади ва голиблар аниқланади.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида иштирок этаётган адабиётлар

РЎЙХАТИ

Олий таълим бўйича

Table with 6 columns: №, Муаллиф (лар), Адабиёт номи, Дарслик ёки ўқув кўлланма, Шаҳар, нашриёт, нашр йили, Тавсия қилган ташкилот

I. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича

Main table for Humanities and Social-Economic Sciences, listing authors, titles, publishers, and locations.

II. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича

Main table for Mathematics and Natural-Scientific Disciplines, listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 1: Humanities and Social-Economic Sciences (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 2: Mathematics and Natural-Scientific Disciplines (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 3: Mathematics and Natural-Scientific Disciplines (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 4: Mathematics and Natural-Scientific Disciplines (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 5: Mathematics and Natural-Scientific Disciplines (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

Table 6: Mathematics and Natural-Scientific Disciplines (continued), listing authors, titles, publishers, and locations.

## Xotira

Меҳру мурувватни, одамийликни, софдилликни, она юртга меҳр фазилатларини ўзида мужассамлаштирган отамиз Маждихон Баходиров: «Умр оқар сув, дейдилар. Оқар сувдан элга наф бўлгани яхши. У она тупроқнинг табаррук қон томиларидан айланганида, оламни яхшилик — баракот қоплаб, ҳаёт кулади. Касбу кори, ўй-хаёли покиза бўлган инсон ҳам худди ана шундай. У қадам қўйган тупроқда яхшилик, илм-фан чечаклари унади» деб ўқиди.

## ОТАМНИ ЭСЛАБ...

рар эдилар. Отамнинг сўхбатини тинглаган инсон ўзида қандайдир бир қониқиб ҳис қилар эди. У киши ўзидан кўмак сўраганларга ёрдам кўрсатишга доим тайёр турар, ўз билим ва тажрибасини шогирдлари билан бирга баҳам кўришдан завқланар эди. Ҳар қуни шошиб ишга, ўқишга отланганимизда: «Одамларга қўлингдан келганча яхшилик қил» деган насиҳат билан бизни қузатиб қолардилар. Биз фарзандларини сидқидилдан меҳнат қилишга ундаб: «Ҳар бир кишига ёшлиқда меҳнат, қарилликда роҳат насиб этсин» деб қўярди.

Баходирхон маҳдумнинг кичик ўғиллари — Маждихон Баходиров биринчи ўзбек тупроқшуноси, таниқли арабшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, қувваи ҳофизаси жуда кенг бўлган, ўлкамизда илм-маърифат тарқатган зиёлилардан бири эди. Республикамизнинг қатор ҳудудларида тупроқни илмий жиҳатдан тек-

ширишга бош-қош бўлган Маждихон Баходиров бир қанча хўжаликларга тупроқ-агрономия хариталарини ҳам тўзиб берганлар. Отамиз барча тадқиқотларини умумлаштириб, 1947 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. «Русча-ўзбекча тупроқшунослик терминлари лугати» ҳам у кишининг кўп йиллик изланишлари мевасидир.

«Тупроқшунослик» дарслиги, «Тупроқшунослик бўйича амалий машғулотлар» қўлланмаси М.Баходировнинг аграр соҳа учун ўзбек тилида илк бор ярат-

ган адабиётлари сирасига кирди.

Умуман, қирққа яқин номдаги илмий асарлар у кишининг ижодий фаолиятдан далолат беради.

Падари бузрукворимиз таниқли арабшунослардан бири бўлиб, 1944 йилда Ўрта Осиё Давлат университетида ташкил қилинган шарқ факультетига ишга таклиф этилиб, шу факультетда бир неча йил араб филологияси кафедраси мудири лавозимда ишлаганлар. М. Баходировнинг таълимини олган кўпгина шарқшунослар ҳозирги кунда шу йўналишдаги даргоҳларда фаол ишлаб келмоқдалар.

Ота-она — уйнинг шамчироғи. Улар оила чароғбони, фарзандларни нурли камолот сари етакловчи зотлардир. Оиламиз шамчироғи ёрқин хотираси қалбимизда абадий яшайди. Биз уларнинг тарбиясини олиб, кам бўлмадик. 6 фарзанд ҳам илм-маърифат истадик ва жамиятдан ўз ўрнимизни топдик, деб ўйлайман.

М. БАХОДИРОВА,  
ТДТУнинг меҳнат фахрийси

## ЯХШИЛАР МЕҲРИ

Назаримда, сен учун мутлақ нотаниш, ҳаётда бирор марта ҳам кўрмаган, лоақал эшитмаган киши ҳақида тинглаш ёки ўқиш биров зерикарли туюлса, ўзинг учун қадрли ва азиз инсонлар тўғрисида гапириш, уларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида оқ қорозга тўрт-беш сатрни қоралаш нақадар завқли ва шу билан бирга масъулиятли бўлиб кўринади. Мана шу завқ, масъулият ҳисси сендан қайсидир маънода оромдан биров муддат воз кечишни, ҳаётнинг меҳрибонлиги хотираларни ёдга олишни талаб этади...

Мақтабда ўқиб юрган кезларимизда бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, она тили ва адабиёт фанларига қизиқиш, меҳримиз бўлакча эди. Айниқса, адабиёт дарслари... Устозимиз Эргаш Қаршиев қайси бир ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирмасин, асар қаҳрамонларининг гоҳ қувончли, гоҳ қайғули тақдирларидан ҳикоя қилмасин, биз ўқувчиларни ўз таъсир доираларига шунчалик киритиб олардиларки, гўё ўзимиз буюк адиблар, шоирлар билан жонли мулоқот қилгандек ҳаяжонланар, гўё қаҳрамонлар тақдирдаги чигалликлар бизнинг ҳаёти-мизда рўй бераётгандек қалбимизни ўртаг эди. Беихтиёр поёнсиз хаёллар гирдобига фарқ бўлиб, мавриди келса, ўз Шири-

нимизни, ўз Кумушимизни хаёлан кашф этардик. Устознинг бадиий адабиёт оламидаги сеҳр, ижод қилиш бахти, шеърятнинг илоҳийлиги, ҳаёт ҳақиқати борасидаги фикрлари биз ўқувчиларга том маънода ҳаётни севишни, муҳаббат, садоқат, эзгулик каби чин инсоний туйғуларни улуғлашни ўргатди.

Бугун устоз ҳақида илиқ фикрлар айтиш, у

## Ustoznoma

кишига ўз эҳтиромини билдириш илминда бўлган шогирдлари талайгина. Чунки салкам қирқ йиллик меҳнат фаолияти мобайнида қанчадан-қанча шогирдларни мустақил ҳаёт оstonасига учирма қилганини азиз муштариининг сарҳисоб этиши унчалик мушкул иш эмас. Албатта, ҳар бир устоз учун энг олий бахт — шогирдлар камоли. Эргаш домла ҳам халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган шогирдларнинг муваффақиятларидан қувонади.

Э.Қаршиев халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасидаги меҳнатлари учун бир неча бор вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда мукофотларига сазовор бўлган. 1998 йилда «Халқ таълими аълоҳиси»

кўкрак нишони билан тақдирланди. Ҳаётда, иш фаолияти давомида эришган барча ютуқлари учун Н.Абдурахмонов, Б.Тўраев, Ў.Хушвақтов, Т.Сафаров, С.Ёқубов, А.Арабов сингари устозларидан миннатдор эканлигини таъкидлайди.

Эргаш домла оилада ўн фарзанднинг меҳрибон отаси, ўн бир нафар неваранинг азиз бобоси. У киши умр йўлдоши Ойси-фат мома ва ўғиллари билан бақамти, бамаслаҳат иш қилиб, айни пайтда «Қўшқудуқ» фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Айни вақтда нафақа ёшига етиб, мактаб оstonаси билан хайрлашиш арафасида турган Э.Қаршиев:

— Нафақага чиқиш мен учун шунчаки қариллик гаптини суриш дегани эмас, чунки мен фермер хўжалигим фаолиятини ривожлантириб, мустақил давлатимизнинг равнақи, буюк келажаги учун ўз ҳиссамни қўшиш, олган даромадларим эвазига ўзим раҳбарлик қилган мактабнинг моддий аҳволини яхшилаш, киши-логим ва халқим учун саовоби ишлар қилиш ниятидаман, — дейди.

Биз ҳам ҳурматли устозимизга узоқ умр, тани сизхатлик, эзгу ниятлари мустаҷоб бўлишини тилаймиз.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,  
Нуробод тумани  
Олга қишлоғи

## Ogohlik

Яқинда дўстларимдан бири меҳмонга чақирди. Уйига қишлоқдан уч-тўрт нафар меҳмонлар келган экан. Аввалига улар биздан шаҳар ҳақида, шароитлар хусусида сўрашди. Бизлар эса қишлоқдаги аҳволдан, янгиликлардан сўрадик. Улар «Худога шукр, бу йил деҳқончилик яхши бўлди. Одамлар хурсанд», дейишди. Меҳмонлар билан анча-мунча гаплашиб ўтирдик, гап айланиб бир-иккита йигитларга тақалди. Улар гиёҳванд моддага ўрганиб қолишган экан. Уй эгасининг синфдошларидан бири ҳам шу балага гирифторм бўлгани учун улардан дўсти Раҳимнинг тақдирини сўради.

— Орада бир-икки йил ташлаб кетганди. Дуппа-дуруст одам бўлиб, Тошкентга келиб мардикорчилик қилиб, биров пул ҳам ишлаб бурганидан отаси қувониб юрганди. Аммо денг, яқинда унинг орқасидан бир-иккитаси қишлоққа қидириб борибди. Папиросга ўраб чекадиганидан топиб бераман, деб ваъда берган экан. Отаси яна чўкиб қолди-да, — деди Хайрулла бобо хўрсаниб.

— Афсус, бу отасини куйдирди, бечоранинг кўраси тўла мол эди. Шу боласини одам қиламан деб ҳаммасини сотиб адо қилди. Даволатаман, деб қаерларга олиб бормади. Барибир кўчага чиқиб, гумашталарини кўргач, яна қилигини давом эттирарверди. Икки ўртада болалари овора, хотини ҳам нақ адоий тамом бўлган.

— Келини акалари олиб кетибди, деб эшитгандик, — гапга қўшилди меҳмонлардан бири.

— Моли-ку майли, ўзи ҳам тамом бўлди. Бутунлай чўкиб, элга қўшилмай қолди, — деди улардан бири.

— Мен бир оилани биламан, — деди ўша даврада ўтирганлардан бири. — Эри ҳалиги мари-хуана деганини сотаман деб 10 йилга қамалиб кетди. Бешта боласи етимдан баттар аҳволда қолди. Бечора хотини бутун оғирликни бўйнига олиб, уларни едириб-ичирди. Кийдирди. Бу

ноласидан залдагиларнинг ҳаммаси йиғлади. Эри учун, уни йўлга солиш учун ялиниб-ёлвориб кечирим сўради. Судьялар кечирмади. «Бу қилмиш оғир, жуда оғир жиноят. Биз кечирсақда, қонун кечирмайди», деб туриб олишди.

— Тўғри-да, қонун кечирса, унинг қонунлиги қаерда қолади? Қолаверса, йиғлаганни кечираверса, қонуннинг қонунлиги қоладими? — деди даврадагилардан бири. — Судьялар бу одамни ўз фойдаси учун бошқаларни заҳарламоқчи бўлган,

миясини заҳарлайди. Ақлига таъсир қилади. Биргина ақлига таъсир қилса, гўрга эди, — деди ҳалиги қишлоқдан келган амаки.

Ҳамма «ялт» этиб унга қарашди.

— Бизда шундайлардан иккитасининг хотини кетиб қолди. Бу фалокат жинсий қувватни ҳам қирқиб ташлар экан.

— Эй айтдим, биз томондаям бир-иккита ёш оилалар ажралиб кетишди. Бўлмаса, уларнинг ота-онлари бақувват, боласининг героин чекишини бировга билдирмаслик учун ўзлари топиб

бу иллатга аралашма. Эшитишимча, шаҳардаги айрим институтларда талабалар ҳам бу қургурдан истеъмол қилармиш.

— Ундайлар кўп эмас, бир-иккита. Бойваччаларнинг болалари тортиб туришади, деб эшитганман.

— Ҳа, эссиз, отасининг шўрида у болалар. Бечора бир одам бир умр болам одам бўлсин, деҳ ишлайди, пул топади. Боласи эса ҳаммасини чиппақка чиқаради.

— Уларга нима етмас экан? Тинчгина ўқишини ўқиса бўлмай-дими?

— Уларнинг чекиши ўзларидан кўра кўпроқ бу моддани сотувчиларга керак. Чунки бу қиммат матоҳни пули йўқлар ололмайди. Шунинг учун талабаларни, аввало, уларнинг ўзлари ўргатишади. Мижоз қилиш учун. Яқинда бир талаба ўқишдан ҳайдалди. Наркотик истеъмол қилганидан домлалар хабар топиб қолган экан. Отаси бақувват экан чоғи, яна қайта тиклаб кетди. Аммо у иккинчи сафар бу моддани сотаётганда қўлга тушиб қамалиб кетди. Мана, кўрдингми ука, бундай воқеалардан хулоса қилиш керак. Бу ҳаёт. Бу гап. Бежизга ота-боболаримиз тарбияни тарбиясиздан ўрган дейишмаган.

Даврада бу мавзуда анча гап бўлди. Гиёҳвандлик иллатига илашганларнинг аянчли тақдирлари барчани чуқур ўйга толдирди. Булар хулоса қилишга арзигулик гаплар эди.

Ш.РЎЗИЕВ,  
журналист

БОЛАНИНГ БЕЛИНИ,  
ОТАНИНГ КЎНГЛИНИ  
СИНДИРАДИГАН ИЛЛАТ

ҳам етмагандек, бир йилда бирми-ей, олти ойдами эрининг орқасидан бориб хабар олиб турибди. Бунинг осон дейсизми? Мана энди қаранг, шу одам судда, қийналиб қолганидан болачақамни боқаман, деб қилдим, — дейди.

— Хўш, энди нима бўлди?

— Эй, бола-чақасини ўйлаган одам ҳаётда бу ишга қўл урмайди.

шунинг учун у оғир жазога тортилади, дейишди.

— Ҳаҳ, шу бир қисм нашага қанча одам заҳарланарди, — деди Фофур деган талаба йигит гапга аралашиб.

— Эй укам, агарда қонунда оз миқдордагиларга рухсат берилса, оз-оздан ҳам жуда кўпайиб кетади. Ахир тома-тома кўл бўлур деган гап бежизга айтилмаган. Юз одам бир қисмдан сотса ёки олса биласизми, қанча одам заҳарланади?

— Сиз заҳарлаш деганда унинг жисмоний ўлиб қолишини тушунманг-да. Ахир бу одамнинг

бериб тураркан. Биттасининг келини кетиб қолгач, ҳалиги одам роса безовта бўлди. Сабаби, келини яқин ўртоғининг қизи экан. Дўстининг олдида уялиб, бечора бир-икки мартаба келинини қайтариб олиб келди. Аммо барибир келин кетиб қолди.

— Эҳ-ҳе, ҳали бу шунақа касофат денг. Бизлар «унинг орқасидан ўзини билмай жиноят содир қилади. Кейин қамалиб кетади. Шунинг учун у ёмон иллат», деб юрамиз, — деди ҳалиги талаба йигит.

— Хе болам, — деди амаки чуқур уф тортиб, — эсинг бўлса,

# КЛУБЛАРДА ҲАМ ЖОНЛАНИШ БОР

Фарзандининг бакуват вояга етишини истаган ота-она уни спортнинг бирор турида шуғуллантиришни режалаштиради ва бу билан улар оқилона иш тутган ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз бўйлаб болалар спортга нисбатан эътибор ва ғамхўрликнинг кучайганлиги нафақат мактаб, мактабдан ташқари муассасаларда, балки турли клубларда ҳам сезилаётди. Хусусан, пойтахтимизнинг Ҳамза туманига қарашли 9-болалар ва мисирлар спорт мактаби қошида фаолият кўрсатаётган ёш каратэчилар клуби бунга мисол бўлиши мумкин.

Мазкур "Азамат-Карим" болалар спорт клуби мураббийси Давронбек Шамсидиновнинг таъкидлашича, каратэ ҳар бир болани чинқилишига ундайдиган ўйин. Болаларнинг неча йил шуғулланиши ихтиёрий. Дастлаб оқ белбоғ билан машқ қилишга киришган бола босқичма-босқич сарик, кўк, қизил, ниҳоят қора белбоғ эгаси бўлиши мумкин. Бунинг учун ёш каратэчидан машқларга мунтазам қатнашиш, сабр-тоқат, журъат ва керак бўлса, жасурлик ҳамда матонат талаб этилади.

— Машқлар қай тарзда олиб борилади? Масалан, қўлға янги бола келиб қўшилса, у анчадан буён шуғулланаётганлар орасига қирадини ёки алоҳида машғулотлар олиб боради-ми, — деб сўраймиз мураббий Д.Шамсидиновдан.

— Янги болалар билан алоҳида шуғулланамиз. Каратэ ҳақида кўпчиликнинг фикри умумий, аммо у шу қадар машқларга бой ўйинки, санаб берганда, билмаганлар ҳайрон қолишади. Масалан, бола гуруҳга қабул қилинган дастлабки кездә эшикдан устозига таъзим қилиб кириб келади. Қаторда яхши туриш, ю г у р и ш, кўлни белбоққа қўйиб машқ қилиш, қўл, бел, оёқни айлантириш, оёқда мустақкам туриш ва ҳоказо машқларни бола беҳато ва ҳафсала билан бажара бошлагач, асосий гуруҳга қўшилади. Бу гуруҳдаги машқлар ҳафтасига уч кун, икки соатдан олиб борилади. Ҳозирги пайтда бу ерда 25 нафар бола шуғулланипти. Улардан келгусида жаҳон ва Ўзбекистон чемпионлари чиқишига ишонгим келади.

...Эгниларига кимоно кийиб, каратэ билан терга тушар даражада шуғулланаётган болакайларнинг ҳаммасидан чемпион чикмасам ҳам, битта фикр кишига қониқкиш ҳиссини беради. Ўзини ўзи ҳимоя қилишга ўрганган бола яқинларини, қолаверса, маҳалласини, она Ватанини кўриклашга шай кайфият билан улғаяди. Зеро, ривожланаётган Ўзбекистон учун худди шундай фикрлайдиган эътиқодди мустақкам ёшлар керак. Бунинг учун эса, имкониятлар етарли, деб ўйлаймиз.

**Х.ТҲИМАНОВА**

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини талаблар даражасида йўлга қўйиш, болалар спортини ривожлантириш аниқ кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хўш, бу муҳим иш таълим-тарбия муассасаларида қандай амалга оширилаяпти? Бу борада камчилик ва муаммолар йўқми?

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани ХТБ мудири Хусниддин Нуриддинов билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ғузор туманида мав-

## Bolalar sporti

жуд 77 та мактабда аниқ кунда 39961 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётди. Уларнинг 13206 нафари спортнинг 12 та тури бўйича машғулотларда иштирок этишяпти. Туманимиз мактабларида 176 нафар жисмоний тарбия фани муаллимлари фаолият кўрсатишяпти. Уларнинг 97 нафари олий маълумотли, қолган 79 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Туманимиз мактабларида аниқ кунда 49 та спорт зали, 75 та футбол, 89 та волейбол, 44 та баскетбол, 53 та қўл тўпи майдонлари мавжуд. Туманда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва яна спортга ихтисослашган махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатапти. Аниқ кунда 32 та мактабда жисмоний тарбияга ихтисослашган чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилган.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш мактабларда яхши йўлга қўйилган деб айта оламиз. "Умид ниҳоллари-2004"

спорт мусобақасининг мактаб, худуд, туман, вилоят ва республика босқичларида ҳаммаси бўлиб 38995 нафар ўқувчи иштирок этди. Барча мактабларда спортнинг 9 тури бўйича ғолиблар аниқланди. Аниқса, мусобақанинг 1-4-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган туман босқичи қизгин баҳслар остида ўтди. Якуний босқичда ота-оналару томошабинлар жуда кўп бўлди. Тумандаги Ойбек номили ва Беруний номли мактабларнинг кичик спортчилари "Умид ниҳоллари-2004" спорт мусобақасининг ғолиблари бўлишди.

спорт мусобақаларини ўтказишни режалаштириб оламиз. Тузилган ана шу аниқ режа асосида белгиланган мактабларда спорт мусобақаларини ўтказиб борамиз. Тумандаги 34-мактабда ўқувчи қизлар ўртасида спортнинг энгил атлетика тури бўйича туман миқёсидаги мусобақаларни ўтказдик. Мусобақа натижаларига кўра, Ойбек номидаги мактаб қизлари 1-ўринни, Чўлпон номидаги ва М.Ҳасанова номидаги мактаб ўқувчи қизлари 2- ва 3-ўринларни эгалладилар. Бундай мусобақалар кўплаб ўтказилаяпти...

гузорлик ёш полвонлар иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни эгаллашди...

— Хусниддин ака, ютуқларни эшитиб хурсанд бўлдик. Тан олиш жоизки, буларнинг замирида фидойи муаллимларнинг каттадан-катта меҳнатлари ётибди. Болалар спортини ривожлантириш борасида камчиликлар, муаммолар йўқми?

— Камчилик ҳам, муаммолар ҳам бор. Камолиддин Бехзод, Чори Аваз, Ат-Термизий номидаги мактабларимизда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги сабабли жисмоний тарбия дарслари номутахассис ўқитувчиларга берилган. 28 та мактабимизда эса спорт заллари йўқ. Тан олишимиз керакки, спортнинг ҳали у, ҳали бу тури бўйича жиҳозлар етишмаслигига рўбарў келиб турибмиз. Яна битта гап. Ғузорда сув спорти ва спортнинг бадий гимнастика турларида муаммолар бисёр.

Ғузор азал-азалдан елкаси ерга тегмаган полвонлар юрти. Гузорликларнинг етти ёшдан етмиш ёшгача барча-барчаси спорт ишқибози. Кейинги йилларда туман ҳокимлиги болалар спортини ривожлантириш ишига алоҳида эътибор қаратаяпти. Бу борада ҳам ҳиммати баланд ҳомийлар пайдо бўлаётганлиги янада қувончи. Насиб бўлса, мавжуд камчилик ва етишмовчиликларни ҳам тузатамиз. Спорт соҳасида ечимини қутаётган муаммоларни ҳам яқин орада ижобий ҳал қиламиз.

**Абдували ОБИДДИНОВ**  
суҳбатлашди.

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

5-7- ва 8-11-синф ўқувчилари мусобақалари ҳам жуда қизиқарли тарзда якунланди.

Мавжуд 28 та мактабгача таълим муассасаларимизда ҳам бутун йил давомида "Ассалом, спорт!" дастури асосида "Соғлом-жон-полвонжон", "Қувноқ-спортлар", "Болажонлар-стартга", "Отам, онам ва мен — спортчилар оила-си" каби қатор номларда спорт мусобақалари мунтазам тарзда ўтказиб борилади.

Ўқув йили давомида жисмоний тарбия фани муаллимлари орасида спортнинг у ёки бу тури бўйича мусобақалар, кўрик-танловлар ҳам бўлиб ўтди. Ўқув йили бошидаёқ туман мактаблари ўқувчилари орасида турли-туман

— Ўқувчилар вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам иштирок этишяптими?

— Албатта. Шу йилнинг 26-30 апрель кунлари Гулистон шаҳрида БЎСМ тарбияланувчилари ўртасида қўл тўпи бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 53-сонли ва Фирдавсий номидаги мактабларнинг спортчи қизларидан тузилган жамоа Қашқадарё вилояти ғолиби сифатида иштирок этиб, яхши натижалар кўрсатиб қайтди.

Термиз шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида миллий кураш бўйича ўтказилган республика биринчилигида Қашқадарё вилояти терма жамоаси номидан

## 15 Ёшли ЧЕМПИОН

WTA Tour таснифига кирувчи «Tashkent open» халқаро аънавий аёллар теннис турнири якунланди. Бир ҳафта давом этган мусобақанинг финал учрашувида теннис оламининг янги юлдузлари — чехиялик Никол Вайдисова ҳамда франциялик Виржиния Разано кортга тушди. Улар ярим финалда жаҳон теннисида ўз ўрни ва обрўсига эга Меган Шонесси (АҚШ) ҳамда Анка Барнани (Германия) маглубиятга учратиб, шов-шувга сабаб бўлди.

15 ёшли Н.Вайдисова августда Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтказилган турнирда қозонган ғалабаси тасодифий эмаслигини исботлаб, Тошкент турнири бош совринини қўлга киритди.

Финал учрашувининг биринчи сети 7:5 ҳисобида франциялик Виржиния Разано бош совринни қўлга киритишга яқин турганди. Лекин ёш бўлишига қарамай, метин иродаси ва бор маҳоратини намойиш қилган Никол Вайдисова кейинги сетларда 6:3, 6:2 ҳисобида зафар кучиб, «Tashkent open» турнирининг ғолибаси бўлди.

Саккиз йилдан буён юқори савияда ўтказиб келинаётган турнир ғолибалари — австриялик П.Вартуш, мексикалик А.Гавальчег, исроиллик А.Смашнова, ўзбекистонлик И.Тулаганова, германиялик Б.Ламаде, швейцариялик М.Микаэлян, испаниялик В.Паскуаль сафига чехиялик Никол Вайдисова ҳам қўшилди.

Қахрамонимиз — Бехзод Хушбоқов, асли кураги ерга тегмаган полвонлар билан машҳур Сурхон элидан. Шу маънода, уни Алпомишнинг авлоди десак, хато бўлмайд.

Бехзод Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган 1991 йилда туғилган. Таэквондо (ITF) бўйича жаҳон биринчилигининг бронза медали соҳиби, мамлакатимиз чемпиони.

Ҳали саккиз ёшга тўлар-тўлмас отаси уни Марказий ҳарбий спорт клубининг таэквондо (ITF) тўғарагига етаклаб борган эди. Бу даргоҳда у биринчи мураббийи Саидахмад Назаровдан Шарқ яққаурашларининг энг омавий турларидан бири бўлмиш таэквондонинг "алифбо"сини, сир-синаотларини кунт билан ўрганган.

Бехзод иккинчи синфга ўтгач, унинг ҳар бир куни қатъий тартиб-интизом асосига қурилди: мактаб-уй-спорт тўғараги...

Тинимсиз машғулотлар ва изланишлар бесамар кетмади. Орадан икки йил ўтгач Бехзод Хушбоқов ўзининг спорт фаолиятидаги дастлабки, катта ғалабасини қўлга киритди. 2001 йили 19 май куни "Жар" спорт мажмуида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Шундан сўнг у республика миқёсидаги кўплаб турнирларда, шаҳар биринчилиги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлди.

Шу тариқа иқтидорли ёш спортчи Бехзод Хушбоқов Ўзбекистон Таэквондо Миллий Ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов, вице-президенти Лазиз Ҳасанов каби устозларнинг назарига тушди. Уни Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафига тақлиф қилишди. Бу ерда у жаҳон чемпиони, "қора



белбоғ" соҳиби, терма жамоа бош мураббийи Фахриддин Умаров раҳбарлиги остида ўз маҳоратини янада оширди. Албатта, устозлар билдирган ишончни оқлаш керак эди. Шунинг учун Бехзод ўз устида кунт билан ишлади, ўзидан ёши катта бўлган спортчилардан маҳорат сирларини ўрганди. Изланишлар исзис кетмади. 2004 йили у халқаро майдонда ҳам ўзининг дастлабки ғалабасини қўлга ки-

## АЛПОМИШ АВЛОДИ

ритди. Малайзияда дунёнинг 60 дан ортиқ давлатлари спортчилари иштирокида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учинчи ўринга сазовор бўлди. Унинг шарафига Ўзбекистон Мадҳияси янгради.

Жаҳон биринчилигидан олам-олам қувонч билан қайтган Бехзод Хушбоқовни Тошкент аэропортида, тантанали кутиш маросимида мухбирлар саволга тутти. Шунда у қатъий қилиб: "Энди янада жиддий машқ қилиб, маҳоратимни ошириб боришга, бундан кейинги мусобақаларда ҳам фақат ғалаба қозонишга ҳаракат қиламан", деди.

У ўз сўзининг устидан чиқди. 2004 йилнинг 26 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги "Умид" болалар спорт мажмуида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Ўша куни неварасининг чиқишини томоша қилгани келган Хушбоқ бобо

айниқса, муҳташам спорт саройини кўриб ҳайратини яшира олмади: "Шундай замонавий, ҳамма шароити бор бу жойни қаранг-а! Менинг ҳам бир гайратим кўзияпти-ей. Бизнинг ёшлигимизда бундай чиройли, чет элникига ўхшаган майдону сузиш ҳавзалари (бассейн) қаёқда эди дейсиз. Юртбошимиз сиз ёшларга катта имкониятлар яратиб беряпти, сизлар ҳамма ишда шу эътиборга лойиқ бўлишингиз керак".

Бехзод аниқ пайтда Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг 7-синфига ўқимокда. Албатта, спорт ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай киши учун жисмонан соғлом ва бакуват бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга келгусида етук инсон бўлиб вояга етиш учун чуқур билим ҳам олиш зарур эканини у яхши билади. "Мен спортни жон-дилимдан яхши кўраман. Лекин, ўқишни ҳам эсдан чиқармайман. Насиб бўлса, мактабни битирганимдан сўнг, энг катта олийгоҳлардан бирига кириб ўқиш ниятим бор", дейди ишонч билан Бехзод.

Қахрамонимизнинг укаси Шерзод бу йил биринчи синфга ўқишга борди. Бехзод, энг аввало, мана шу укасига ҳар жабҳада ўрнатилган бўлишга интилади. — Опам аъло баҳоларга ўқийди. Мен ҳам ундан қолишмаслигим керак. Шунда укам ҳам бизга эргашади.

Тўғри-да, ахир қайси ука ўзининг шундай акасига ҳавас қилмайди, ғурурланмайди. Ўқишдаю спортда, одоб-ахлоқда унга ўхшаб тенгдошларига ибрат бўлишни ким хохламайди?

Оила аъзолари, устозларини дўстлари Бехзодга ишонишади, уни қўллаб-қувватлашади. Хушбоқ бобоси билан Норгул момоси эса, ҳар доим: "Худо хоҳласа, Бехзоджон элимизнинг ориятли, ҳамма ҳавас қиладиган мард ва муносиб ўғлини бўлиб етишсин!" деб дуо қилишади.

Пиру бадавлат кексаларимизнинг хайрли ниятларига биз ҳам қўшилаемиз.

**Д.ХОТАМОВА,**  
ЎЗДЖТУ талабаси

## БИЗ КУТГАН ҒАЛАБА

АҚШнинг Флорида штатида профессионал бокс бўйича WBC Fecarbox чемпионлик камари учун ўтказилган турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси мезонлар вакили Шон Робинсон билан финалда куч синашди. 12 раунд давом этиши лозим бўлган жангнинг биринчи раундидаёқ Робинсон Темур Иброҳимовнинг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юбориб, нокаутга учради. Учрашув рефери жанг ўзбекистонлик боксчи фойдасига ҳал бўлганини билдириб, чемпионлик камарини Темур Иброҳимовга топширди. Темур профессионал рингда ўн олти та жангдан ўн бештасида ғалаба қозонган, битта учрашувда дуранг қайд этилган. Дунё рейтингда 84-ўринда бораётган ҳамюртимизнинг профессионал боксда дастлабки соврини давомли бўлсин.